Мы... 5.30295

Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 2 февраль, пайшанба №15(21.778.) Сотувда эркин нархда.

ДАВОС АНЖУМАНИ ТУГАДИ

Давос жаҳон иқтисодий анжумани давлат бошлиқларини, савдо-саноат доираларининг раҳбарларини, илм-фаннинг етакчи мутахассисларини бирлаштиради. Бу ерда жаҳон иқтисодий ва ижтимоий тараққиётининг турли жиҳатлари хусусида фикрлашиб олинади. Анжуманнинг расмий очилиш маросимида БМТ Бош котиби Бутрос Бутрос Ғолий XX асрнинг охирида дунё олдида турган вазифаларни белгилаб берди. Собиқ Совет Иттифоқи ҳудудидаги ёш мустақил давлатлар учун бу давр жаҳон ҳамжамиятида, шу жумладан Европа ҳамжамиятида ўз ўрнини белгилаб олиш даври бўлади. Ана шу анжуман доирасида ўтказилган ягона сессия Ўзбекистонга бағишлангани жаҳон бизнеси етакчиларининг мамлакатимизга зўр қизиқиш билан қараётганидан далолат беради. Сессия юксак ишчанлик муҳитида ўтди. Мамлакат Президенти Ислом Каримов жаҳондаги етакчи фирмалар ва компаниялар раҳбарларига ҳозирги кунда Ўзбекистонда хорижий бизнесни ривожлантириш учун қандай имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилгани ҳақида сўзлаб берди.

Президентимиз мамлакатимиз бозорини ўзлаштиришни истаган жаҳоннинг етакчи компанияларига кўмаклашишга кафолат бериб, айни пайтда Ўзбекистон ўзаро манфаатдорлик ва тенг ҳуқуқли шароит асосида ҳамкорлик қилишга интилаётганини таъкидлади.

— Биз аниқ-равшан лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит оляпмиз, — деди Ислом Каримов. — Ўзбекистоннинг ҳеч кимдан қарзи йўқ.

Республикда ишончли ҳуқуқий база яратилган, сиёсий, иқтисодий барқарорлик таъминланган, ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Хорижий тадбиркорларнинг фикрича, буларнинг ҳаммаси бизнинг иқтисодиётимизга сармоя сарфлаш учун қулай шароит яратади, шу жиҳати билан Ўзбекистон бошқа ёш мустақил давлатлардан фарқ қилади. Давосда «Ўзбекистон — ислоҳотларнинг янги босқичида» мавзусида ўтказилган сессиянинг муваффақияти жаҳондаги кўпгина ҳукуматлар ва савдо-саноат доиралари раҳбарларини Президент Ислом Каримов билан шахсан учрашишга ундади. Франция, Германия, Швейцариядаги йирик фирма ва банклар намояндалари билан ана шундай суҳбатлар бўлди. Уларнинг баъзилари ҳозирнинг ўзидаёқ мамлакатимиз билан ҳамкорлик қилмоқда. Уларнинг фикрича, бу ҳамкорлик муваффақиятли кечмоқда. Шунинг учун бошқалар ҳам шундай алоқаларни ўрнатишга интилмоқда.

Президент Ислом Каримов ўзига ажратилган боргоҳда Туркия Бош вазири Т. Чиллерни қабул қилди. Бу учрашув Туркия савдо-саноат доираларида катта таассурот қолдирди.

Марказий Осиёда катта мавқега эга бўлган Ўзбекистонга Европада ҳам қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Швейцариянинг Алтендорф шаҳрида Ўзбекистоннинг йирик Савдо уйи очилгани бунинг ёрқин намунасидир. Шу тариқа, мамлакатимиз банк тизимларининг улкан тармоғи мавжуд бўлган, жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларидан бирида ташқи иқтисодий фаолияти юритиб Буюк ипак йўлидаги Шарқ билан Ғарбни бирлаштирувчи бўғин сифатида ўзининг тарихий ўрнини тиклямоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Савдо уйини очишга бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида бу фикрни таъкидлади. Маросимга Европа, Ғарб, Америка йирик саноат корпорациялари ва банкларининг вакиллари келишди. Улар Савдо уйида мамлакатимизнинг иқтисодий имкониятларини, Ўзбекистон бадиий ҳунармандчилигининг хилма-хиллигини намойиш қилаётган буюмлар ва маҳсулотлар билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Савдо уйи амалий учрашувлар, музокаралар жойи, шунингдек Ўзбекистоннинг Швейцариядаги маданият маркази бўлади.

Буларнинг ҳаммаси нуфузли анжуман доирасида делегациямиз жуда самарали ишлаганини кўрсатиб турибди. Жаҳондаги сиёсий ва савдо-саноат доираларининг вакиллари бўлмиш учрашув иштирокчиларининг фикрича, халқаро савдо-иқтисодий муносабатлар тизимида Ўзбекистон ўз ўрнини тобора дадил белгилаб олмоқда.

***

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 февраль куни Давосдан ватанига қайтиб келди.

Давлатимиз бошлиғини Тошкент аэропортида республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари Т. Алимов, Б. Ғуломов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов, бошқа расмий кишилар кутиб олишди.

(ЎзА).

Суратда: анжуман пайтида. Т. Қурбонов (ЎзА) олган сурат.

СЕМИНАР - КЕНҒАШ ЎТКАЗИЛДИ

31 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти девонида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ходимлари иштирокида «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг амалда бажарилишига бағишланган семинар-кенгаш бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг, вилоят ҳокимликларининг масъул ходимлари маъруза қилди ва тажриба алмашди.

Кенгаш қатнашчиларининг эътибори фуқаролар мурожаатларининг ўз вақтида, тўлақонли бажарилишига эришиш, уни кўриб чиқишда сансалорликка ва тўраларча муносабатларга йўл қўймаслик, ижрочиларнинг масъулиятини ошириш, аризалар ва шикоятларнинг эгаларига мурожаатлари юзасидан текшириш натижаларини албатта етказиш, назоратни янада кучайтириш масалаларига қаратилди.

Кенгашда, шунингдек, фуқаролар мурожаатлари билан ишлашни янада такомиллаштириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгиланди.

ХДП: бошланғич ташкилотларда нима гап?

МУДРОҚЛИК ҚАЧОНГАЧА?

Туб иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётган айни пайтда партия ташкилотлари ташаббускорликни ўз қўлларига олишлари, барчани сидқидилдан меҳнат қилишга даъват этишлари даркор. Хўш, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Когон тумани бошланғич ташкилотларида бунга эришиляптими?

Тумандаги Баҳоуддин Нақшбанд номли жамоа хўжалиги «Бухоро» жамоа хўжалигидан ажралиб чиққанига бир йил тўлди. Бир хўжаликнинг иккига бўлиниши партия ташкилоти фаолиятига ҳам таъсир этмай қолмади, албатта. ХДПнинг 30 аъзосига аввал Умидилло Умаров, сўнг Болта Ҳошимовлар бошчилик қилдилар. Хўжалик партия ташкилоти мавқеи мустаҳкамланиш ўрнига астасекин тушиб боряпти. Бунинг муайян сабабларини ўрганишга тўғри келди.

Ўтган бир йил ичида хўжаликда пахта, пилла, дон, картошка, полиз маҳсулотлари етиштириш ҳамда давлатга сотиш борасида анча яхши натижаларга эришилди. Лекин, бу муваффақиятга ҳисобда турувчи барча ХДП аъзоларининг улуши қўшилган, деган хулосага келиш қийин. Чунки, хўжалик ишлаб чиқаришида бор-йўғи 15 партия аъзоси фаолият кўрсатаётир.

Бу қусурларга барҳам беришнинг йўли ХДП сафини ўстиришдир. Аммо ўтган йили фақат бир киши партияга аъзо қилиб қабул қилинган, холос. Бош зоотехник Саттор Мавлонов партияга қабул қилишни сўраб берган аризаси 1994 йилнинг 20 июлидан, биринчи агроучастка бошлиғи Қурбон Жабборовнинг аризаси эса 23 ноябрдан буён котибнинг ғаладонида чанг босиб ётибди.

Хўжаликдаги 15 та пахтачилик бригадасининг бор-йўғи бештасида атиги биттадан ХДП аъзоси бор. Тарғиботнинг бўшлиги, одамлар орасида камдан-кам бўлиш туфайли ХДПга хайрихоҳ ёшлар эътибордан четда қоляпти. Қолаверса, туман кенгашида давом этиб келаётган мудроқлик дард устига чипқон бўляпти.

—Ўтган бир йил мобайнида туман кенгашига чақирилдингизми?— сўраймиз хўжалик партия ташкилоти котибидан.

— Мен янги котибман, ҳозиргача ХДП туман кенгашининг йиғилишларига таклиф этилмаганман, — дейди Болта ака.

Касаба уюшмаси қўмитаси раиси бўлиб ишлаётган У. Умаровнинг таъкидлашича, туман партия кенгашининг биринчи котиби Б. Муҳиддинов хўжаликка қадам босмаганига кўп бўлган. Бошланғич партия ташкилотига кўмаклашиш, амалий ёрдам бериш, унинг ташвишлари, фаолият юритишидаги тўсиқлар кенгашдагиларга таалуқли эмасмиш. Ҳолбуки, партиявий ишлар, ҳужжатларни расмийлаштириш, долзарб масалалар юзасидан йиғилишлар ўтказиш, муаммолар ечимини топиш борасида кўпгина бошланғич ташкилотлари котибларининг боши қотган.

«Ислоҳотларнинг тақдири, уларнинг самараси, ҳаётимизга таъсири авваламбор кадрларнинг малакасига, уларнинг ўз ишини қай даражада ўзлаштириб олганлигига, юртпарварлиги ва фидойилигига боғлиқдир». Президентимиз И. Каримовнинг халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашида сўзлаган бу сўзлари барчамизга дахлдор. Бунга, айниқса партия ташкилотларида ишлаётган кадрлар қатъий эътибор беришлари керак. Афсуски, биз қаламга олган хўжаликда ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмаяпти. 2 та чорвачилик фермаси ҳалигача хусусийлаштирилмаган. Балки шу боисдан сут, гўшт ишлаб чиқариш, давлатга сотиш режалари бажарилмагандир? Шунингдек, қорақўлчилик, паррандачилик ўз эгасини топганда тармоқ янада ривожланармиди?

Аҳолини газ, ичимлик сув билан таъминлаш, бозор иқтисодиёти қийинчиликлари даврида уларни ижтимоий муҳофазалаш борасида ҳам камчиликлар борки, бу муаммолар партия ташкилоти ва унинг аъзоларидан самарали амалий фаолиятни талаб этади.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БЕКОБОДДА САЙЁР ЙИҒИЛИШ

Бекободда қора ва рангли металл тўплаш ва қайта ишлаш ҳукумат комиссиясининг сайёр йиғилиши бўлди. Уни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси Исмоил Жўрабеков бошқарди.

Йиғилишда давлатга металл парчалари топшириш бўйича 1994 йил ҳамда шу йилнинг январь ойи якунлари кўриб чиқилди. Республикамиз тараққиётида муҳим ўрин тутувчи Бекобод металлургия заводини хом ашё билан узлуксиз таъминлаш мақсадида вазирликлар, концернлар, корпорациялар, ассоциациялар, бирлашмалар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига топшириқлар берилди.

Йиғилишда, шунингдек, бойитиш фабрикалари учун пўлат шарлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилгани муносабати билан Бекобод металлургия комбинатининг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари ҳамда муҳандис-техник ходимларига ҳукумат мукофотлари ва фахрий ёрлиқлари топширилди.

Сайёр йиғилишда республика Бош вазирининг ўринбосари Ю. Пайгин қатнашди.

(ЎзА).

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

1 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, республика молия вазири Б. Ҳамидов Индонезия Республикасининг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ҳасан Абдужалил билан учрашди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Индонезия ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантириш, жумладан алоқа тармоқлари, почта, сайёҳлик, молиявий соҳалардаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

(ЎзА).

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Янгликлар воқеалар хабарлар

Саноат

«КОИНОТ» ТЕЛЕВИЗОРЛАРИ

ХОРАЗМ. 1982 йили Дўстлик шаҳрида Тошкент электротехника заводининг 15-цехи иш бошлаган эди.

Истиқлол туфайли бу ишлаб чиқариш бўлинмаси 1991 йилдан заводга айлантирилиб, унга «Коинот» номи берилди. Ҳозир бу корхонада 400 киши меҳнат қилмоқда. Бу ерда Тошкент ва Рязан шаҳарларидаги телевизор ишлаб чиқариш заводларига ярим ўтказгичлар етказиб берилади. Шу йил бошидан эса завод жамоаси телевизорлар йиғишни йўлга қўйди. Экрани 23 сантиметрли бўлган оқ-қора тасвирли бу телевизорларга «Ореол» номи берилган. Бугунгача бундай телевизорлардан 200 таси тайёрланиб, савдо шаҳобчаларига чиқарилди.

Қурбон МУҲАММАДРИЗО.

Ободончилик

ЎТИНГА ҲОЖАТ ҚОЛМАДИ

БУХОРО. Олот тумани хўжаликларида хонадонларни газлаштириш жадал олиб борилмоқда.

Р. Ботиров номли жамоа хўжалигида газлаштириш ишлари ниҳоясига етай, деб қолди. Яқинда хўжалик ҳудудидаги Қатортепа қишлоғининг 102 та хонадонида табиий газ ёна бошлади. Хайрли ишларни вилоятдаги 339-кўчма механизациялашган колонна бунёдкорлари бажармоқдалар.

Б. ДАВРОНОВ.

Ақъана

СОВҒАСИГА ГИЛАМ

ФАРҒОНА. Учқўприк туманида ўтказилган «Ҳосил байрами» кўнгилочар ўйинлар, қизиқарли томошаларга бой бўлди.

Айниқса меҳнат аҳлига республика Ички ишлар вазирлиги ички қўшинлари аскарларининг кўргазмали чиқишлари манзур бўлди. «Ҳосил байрами»да кўпчиликнинг кўнглини олган аскар ўғлонларга туман ҳокимлиги номидан чўғдек гилам ҳадя этилди.

Абдумажид ЭРГАШЕВ.

Экология

ТАБИАТГА МЕҲР

ТОШКЕНТ. 112-ўрта мактабда «Экология ҳафталиги» бўлиб ўтди.

Кўпчиликда яхши таассурот қолдирган ўзига хос бу тадбирда ўқувчилар она табиатга бўлган қизиқишларини намойиш этишди. Хусусан, турли паррандалар, балиқ ва илонлардан иборат ҳайвонот дунёсига хоҳ кўргазма ташкил этилди. Ҳафталикнинг сўнгги кунида «Экосан» жамғармаси ходимлари билан ўқувчилар ўртасида мулоқотлар ўтказилди. Ёшларни қизиқтирган саволларга жавоб берилди. Ҳафталик ўқувчиларда она-табиатга меҳр уйғотишда муҳим аҳамият касб этди.

Бобир ОТАМУРОДОВ.

Ислоҳот ва транспорт

ТЕМИР ЙЎЛДА ТЕМИР ИНТИЗОМ БЎЛАДИ

Мамлакатимиз ҳудудидаги темир йўллар халқ хўжалиги тармоқларини, кишилар ўртасидаги алоқани бир маромга солиб турибди, десак муболаға қилмаган бўламиз. Чунки у йўловчилар учун ҳам, халқ хўжалигида юкларни ташиш учун ҳам кун сайин ишончли бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон темир йўллари акционерлик давлат компанияси раиси Нормат Эрматов тармоқни ривожлантириш учун яна нималар қилиш кераклиги ҳақида ўз фикрларини шундай баён қилди.

— Иқтисодий тараққиётимизни таъминлаш энди ўзимизга боғлиқ бўлиб қолди. Жойларда бирорта юк-вагон ёки тепловоз бирон соат ҳам бўш турмаслиги чораларини кўряпмиз. Ишларни шундай ташкил қилиш туфайли темир йўл тизими хўжалик юритишда ўз-ўзини маблағ билан таъминламоқда.

Бизда ислоҳотларнинг олти йўналиши ишлаб чиқилган. Аниқроғи, бу ислоҳотлар 1993 йилнинг бошларидан амалга оширилмоқда. Натижада, уларни ҳаётга тадбиқ этишда ҳар бир темирйўлчи ўз ўрнини топмоқда.

— Ислоҳотнинг ўша олти йўналиши ҳусусида гапириб берсангиз.

— Авваламбор, мазкур олти йўналиш тармоқни сифат жиҳатдан юқори даражага кўтаришимизни таъминлайди. Биринчи йўналиш Ўзбекистон темир йўлини тўлиқ электрлаштириш, иккинчи муҳим йўналиш—янги ерларни ўзлаштириш ва ўлкамиздаги барча ер ости бойликларини темир йўл билан боғлашни ўз ичига олган янги тармоқни қуриш ҳамда мамлакат иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида Буюк ипак йўлининг вориси бўлмиш Транс-Осиё темир йўлини қуришдир.

Учинчи йўналиш — ҳозирги замон фан-техника ютуқларидан фойдаланиб, поездлар ҳаракатини бошқариш тизимини автоматлаштириш. Айни кезда ахборот-ҳисоблаш маркази ишлаб турибди. Бу эса темир йўл тармоғида биринчи ҳисобланган ягона диспетчерлик марказини яратади. Бу барча поездлар ҳаракатини бошқаришни янада осонлаштириш йўлида қўйилган қадамдир.

Юк ва йўловчи вагонларни тубдан тиклаш масаласини тўртинчи йўналишдаги ислоҳот ҳал этса, йўлларни темир-бетон шпал ва брусларга ўтказиш бешинчи йўналишда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон темир йўлларида ётқизилган шпалларнинг сони 9 миллион донани ташкил этади. Шундан 3,5 миллион донаси ёғочдан қилинган. Йўлларни таъмирлаш жараёнида ҳар йили 80-85 мингта ёғоч шпал темир-бетон шпалга базўр алмаштириб келинаётир. Ушбу йўналишдаги ислоҳотдан келиб чиққан ҳолда иш юритсак, йилига 400 минг донадан кам бўлмаган ёғоч шпални алмаштиришга эришамиз. Шунга кўра, биз Эйвалек комбинати, Ўзбекистон транспорт қурилиши Давлат уюшмаси ҳамда «Бошкентқурилиш» ташкилоти билан ҳамкорликда республикада зарурий миқдордаги темир-бетон шпал ва брусларни ишлаб чиқариш масаласини ҳал этишга киришдик. Бу ҳаракатларнинг бари пировард-натижада мамлакатимиз темир йўлининг темир-бетон шпал ва бруслар-га бўлган талабини қондиришга хизмат қилади.

Олтинчи йўналиш — тармоқда иқтидорли кадрларни тайёрлашга эришиш, ишчи ва ходимларимизнинг ижтимоий ҳимоялаш сиёсатини амалга оширишдир. Масалан, яқинда юк ташиш ҳажмининг пасайиши темир йўлда хизмат кўрсатувчи ходимлар сонини қисқартиришни тақозо этди. Лекин биз бошқача йўл тутдик. Янги иш жойларини ташкил этиш йўли билан бу муаммони ҳал этдик. Шу боисдан темир йўл тизимида вужудга келган барча корхоналарда пуллик хизмат кўрсатиш ва истеъмол молларни ишлаб чиқариш ривожланмоқда, аҳолига хизмат кўрсатиш доираси кенгаймоқда.

— Айни пайтда темир йўл тармоғида қандай янги қурилишлар бўляпти?

— Бугун Ховос—Бекобод, Ховос—Жиззах бўлинмалари электрлаштирилиб, электропоездлар қатнаяпти. Айни кезда янги темир йўллар қурилиши бошлаб юборилди. Масалан, Навоий вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидаги янги ўзлаштирилаётган минтақаларда аҳолининг ижтимоий аҳволини енгиллаштиришни кўзлаяпмиз. Бундан ташқари Султонуиздаг — Беруний, Тўрткўл—Учқудуқ, Урганч—Беруний йўналишларида янги темир йўл қурилишлари, Амударёда кўприк қурилиши ва барча йўлларни электрлаштириш масалалари қўйилган. Муҳими, бу сингари қурилишлар битса, мамлакатимизни Европа давлатлари билан боғлаш, ҳар томонлама ҳамкорлик қилиш муаммоси анча енгиллашади.

— Бошқа мамлакатлар билан иқтисодий алоқалар қандай? Шу ҳақда ҳам тўхталсангиз.

— Россия ва Украина давлатлари билан алоқамиз илгаридек. Улардан тепловоз, электровоз ҳамда вагонлар учун зарур эҳтиёт қисмларни шартномалар асосида олиб турибмиз.

Бошқа қўшни давлатлар билан алоқани янада мустаҳкамлаш учун 1996 йилда Тежен—Серакс йўли ишга туширилади. 250 чақиримлик бу йўлнинг 175 чақирими қуриб битказилди. Муҳими, бу темир йўл қуриб бўлингандан сўнг Форс бўғози ва Европа давлатлари билан ҳам алоқалар мустаҳкамланади.

Хитой билан «Дўстлик» темир йўли орқали алоқа ўрнатилганига анча бўлди. Шу йўл орқали йил охиригача 2 миллион тонна юк олиб келиш ва жўнатиш режалаштирилган.

Ҳуллас, бугун «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси янгиланиш сари дадил одим ташламоқда. Бу аввало оддий темир йўл ходимидан раҳбариятгача бўлган оралиқда тартиб-интизомнинг тобора барқарорлашаётганлигида кўринмоқда.

Ҳақиқатан ҳам темир йўлда тартиб-интизом биринчи галда зарур. Буни тармоқда амалга оширилаётган ислоҳотлардан ҳам сезсак бўлади. Чунки темир йўл тармоғи, ҳар бир поезд қатъий жадвал асосида ишлагандагина халқ хўжалигининг ривожланишида кўзланган силжишга эришиш мумкин.

Суҳбатдош
Маъмуржон ҚИЁМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ХДП ва иқтисодий ислоҳот

«БОБОЧЕК» ЧЕЧАКЛАРИ

Хўжалик раҳбари ҳузуридан чиққан Турдиали ўртада бўлиб ўтган гапларни яна бир бор тарозига солди. Ўйлаб қараса, раис ҳақ: фермадаги ишлар орқага кетган, чорвани сердаромад соҳага айлантириш учун ишнинг кўзини биладиган тадбиркор мудир керак. Бу таклифдан сўнг у бир пайтлар фермани бошқариб, баланд-пастни яхшилаб ўрганган кезларни эслади. Хўш, ҳисобчиликдан эски иш жойига қайтишининг нимаси ёмон? Ҳамма нарса беш қўлдай аён бўлса...

Раҳбарнинг гаплари унинг кўнглидаги эски орзу-умидларни кўзғатиб юборган эди. Хўжалик фермасини қўлга олиб, чорвачиликни ривожлантиришга астойдил киришган Турдиалига омад кулиб боқди. Ишлари юришди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартдаги «Республика чорвачилигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш чоралари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Шарқ Юлдузи» жамоа хўжалиги фермасини хусусийлаштириб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Ишчан жамоа унинг бу борадаги саъй-ҳаракатларини астойдил қўллаб - қувватлади.

— Янги иш йўсинлари бизга олдингига нисбатан кўп ва сифатли чорвачилик маҳсулотлари етиштириш имкониятини берди, — дейди Шаҳрихон туманидаги «Бобочек» ҳиссадорлик жамиятининг раиси, ХДП аъзоси Турдиали Файзуллаев биз билан суҳбатда. — Давлатга боқимандаликдан қутулдик. Мулкни талон-торож қилиш иллатлари барҳам топди. Ҳар ким ўз меҳнатининг қадрига етадиган бўлди. Аммо бу ҳамма иш хамирдан қил суғургандай енгил кетаяпти, дегани эмас. Чорванинг ўзига яраша ташвишлари бор. Унга кўникиш учун кўп меҳнат, куч ва ғайрат сарфлаш лозим. Ўзида касбига нисбатан ана шундай фазилатларни мужассамлаштирган чорвадорлар ишини алоҳида қадрладик. Беш ишчи ўрнини қисқартириш эвазига уларнинг ойлик маошларини бирмунча оширишга эришдик. Ўртада мулкка эгалик туйғуси қарор топди.

Ферманинг бус-бутун биносию, техникасини, 526 бош қорамолини ўзларига ўтказиб олган тадбиркорлар дастлабки йили давлатга 37 тонна гўшт топширишди. Ўтган йили эса бу кўрсатгич 54 тоннага тўғри келди. 137 бош соғин сигирнинг ҳар биридан 2360 килограммдан серқаймоқ сут соғиб олинди. Бошқачасига айтганда, сут етиштириш имконияти олдинги йиллардагига нисбатан 30 тоннага ортиб, ўтган йили 335 тоннани ташкил қилди.

«Бобочек» ҳиссадорлик жамияти ўзининг мустаҳкам озуқа базасига эга. «Шарқ Юлдузи» жамоа хўжалигидан ажратилган 107 гектар майдонга беда, маккажўхори қаби озуқабоп экинлар экилиб, чорва қишловига пухта ҳозирлик кўрилди.

Гўшт, сут етиштириш бўйича бу йилги режаларни пухта адо этишга дастлабки ойларданоқ мустаҳкам пойдевор қўйилмоқда. Чорвачиликни ривожлантириш ва сердаромад соҳага айлантиришда ХДП аъзоларининг ҳам ҳиссаси салмоқли бўлаяпти. Бу ерда самарали фаолият кўрсатаётган олти нафар партия аъзоси ҳиссадорларнинг фахри саналади. Бош ҳисобчи Аҳмадали Қоратоев, хизматчилар Тўлқин Шоев, Машраб Охунов, Муҳаббат Сойипова, Жамол Жумабоевлар малакали чорвадор Турдиали Файзуллаевнинг ҳомийлигида партия билан жамоа ишларини бўшаштирмай олиб боришмоқда. Умуман, барча хиссадорлар сўнгги натижа, амалий ишларни кўзлаб ишламоқдалар. Ўртада қарор топган одатларга кўра иш 37 кишини ўртасида баб-баравар тақсимланаяпти. Зарур пайтда ишдан холи қолганлар бир-бирларига ёрдам беришаяпти. Иш ишни, мулк мулкни бойитади, деганлари шу-да. Фермани ҳиссадорларга топшириб жамоа хўжалиги ҳам катта фойда кўрди. Ўртада ишлаб чиқилган шартнома ҳар икки томоннинг манфаатига хизмат қилмоқда. Энг муҳими, чорва ишончли қўлларда. Ҳиссадорлар ишни янада такомиллаштириб, чинакам фойда манбаига айлантирадилар.

Рустам АҲМАДАЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Республикамизнинг мустақилликка эришуви маориф соҳасида ҳам талайгина ўзгартиришларга олиб келди. Махсус мактаблар, коллежлар, лицейлар сони йил сайин ортмоқда. Мактабларда ўқитиш янги дарсликлар, қўлланмалар асосида олиб бориляпти. Имтиҳонлар тест усулида ўтказиляпти. Таълим-тарбия ҳам миллий тус олаётир. Шундай бўлса-да, мактабда муаммо йўқ дейиш... Келинг, яхшиси, Самарқанд вилоятининг Қўшработ ва Иштихон туманларидаги айрим маорифчиларнинг мулоҳазаларини тинглайлик:

Бекпўлат ЧЎЛИЕВ - Қўшработ туман халқ таълими бўлими услубчиси:

— Назаримда, вилоят мактабларида чет тилларни ўрганишга эътибор сўст. Бугунги кунда мактаб ёшидаги ўқувчига компьютерда ишлашни, бирон чет тилида сўзлашишни ўргатмасак, бу бизнинг орқада қолаётганимизни билдиради. Менимча, ҳар бир мактаб ҳомий топиб ёки ички имкониятларни ахтариб бўлса ҳам компьютерлар сотиб олиши, чет тилларнинг ўқитилишига алоҳида эътибор бермоғи лозим.. Чунки бусиз келажакни тасаввур қилиш қийин.

Узоқбой МАВЛОНОВ — Иштихон туманидаги 22-ўрта мактаб ўқитувчиси:

Таълим ва давр

ИШЛАР ҚАЛАЙ, МУАЛЛИМ?

— Ўқитувчиларда янгича дунёқараш етишмаяптими, деб ўйлайман. Ўтиш даврида ҳамма нарсани иқтисодий қийинчиликка тақайверсак, таълим-тарбияга юзаки қарасак, бир-икки йил ичида бутун бир авлод тарбиясини издан чиқариб қўйишимиз мумкин. 25 йиллик ўқитувчилик меҳнат фаолиятим давомида муаллимни ота-онаси қаторида ҳурмат қиладиганларни, ундан бир умр миннатдор бўлган ўқувчиларнинг кўпини биламан. Ўқитувчи халқ орасида, ўқувчилар орасида обрўга эга бўлмоғи керак.

Биргина мисол: имтиҳонларни тест усулида ўтказиш халқ ишончини оқлаяпти. Ўтган йили олий ўқув юртларига ўқувчиларни қабул қилишда тестнинг ҳақиқий ва ҳалол амалга оширилаётганлигига ишондим. Умид қиламанки, энди ҳақиқий билим соҳиблари мустақил Ўзбекистонни узоқ-узоқларга маълум ва машҳур қиладилар.

Бобоқанд ҚИЛИЧЕВ — Қўшработ туманидаги 52-ўрта мактабнинг тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари:

— Бугунги кунда мактабда оқсаётган нарса — бу тарбиявий ишларга эътиборсизлик. Ўқувчининг тарбияси билан бевосита шуғулланадиган, ота-онаси билан суҳбатлашадиган, ўқиши билан ҳам қизиқадиган киши — бу синф раҳбари.

Ўқитувчилар эса синф раҳбари бўлишдан ўзларини олиб қочишади. Тайинланганларнинг айримлари эса қўл учида ишлашмоқда. Таълим билан тарбия бирга олиб борилмаса, яхши натижага эришиш мушкул.

Бахтиёр ҚИЛИЧЕВ — Иштихон туманидаги 49-ўрта мактабнинг ўқитувчиси:

—Оддий дафтарнинг етишмаслиги ҳам ўқитишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Математика фани бўйича дастурлар қисқармаган бўлса-да, лекин дарс соатлари камайиб кетган. Бу эса шу фанни мукаммал ўргатишга халақит беряпти...

Биз бир вилоятнинг икки туманидаги баъзи мактаблар аҳволи, ўқитувчилар мулоҳазалари билан қизиқдик,. Хўш, маориф соҳасида бошқа вилоятларда аҳвол қандай? Фақат пойтахтдаги баъзи мактаблар билан фахрланиб, узоққа бориб бўлармикан? Бу халқни, Ватанни ўйлайдиган ҳар бир фуқарони ўйга толдириши керак. Япония, Жанубий Корея мамлакатларининг ривожланишига сабаб маориф тизимининг қайта кўрилгани бўлди, деган гапларни кўп эшитяпмиз. Бизда ҳам шундай қилса бўлмасмикан? Баъзи ҳақиқий жонкуяр, билимдон ўқитувчиларнинг мактабдан бошқа соҳаларга ўтиб кетишига сабаб нима экан? Ечимини кутаётган бу кўзга кўринмас муаммолар устида ҳар биримиз ўйламоғимиз лозим. Шундай қилайликки, токи биздан эртанги авлод ўксимасин.

Нарзулла ШОНИЁЗОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ. Усмон Юсупов туманидаги «Тошкент» жамоа-ширкат хўжалиги илғорлари доимо илғорлар сафида тилга олинарди. Бироқ кейинги йилларда хўжаликда кетма-кет раҳбарлар алмашиниб, бу ердаги аҳволга ёмон таъсир кўрсатди. Бунинг натижасида хўжаликда йиллик режалар бажарилмай қолди. Бу эса аҳолининг ва хўжаликнинг моддий жиҳатдан қийинчиликларга учрашига олиб келди.

Вилоят ҳокимлиги хўжаликдаги аҳволни ҳисобга олиб, ҳозиргача Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши иккинчи котиби вазифасида ишлаб келган тажрибали қишлоқ хўжалик ходими Арслон Жабборовни шу хўжаликка раҳбар қилиб юборди. Янги раҳбар ишни хўжалик техник воситаларини тракторчиларнинг уйларида сақлашдан воз кечишдан бошлади. Бу билан техникадан ўз шахсий мақсадларида фойдаланишга чек қўйилиб, тонналаб ёқилғимойлаш маҳсулотлари иқтисод қилишмоқда. Бу йил хўжаликни яна вилоятдаги илғор жамоалардан бирига айлантириш мақсадида барча зарур ишлар қилинмоқда. Фойдаланишга яроқли бўлган ҳамма майдонлар сифатли шудгорлаб қўйилди. Махсус тезкор таъмирлаш бригадалари томонидан ҳозиргача 40 дан ортиқ «МТЗ-80» тракторлари, 50 дан ортиқ ҳайдов тракторлари, 50 та сеялка сифатли таъмирланиб, кўкламги ишларга шай қилиб қўйилди.

Жамоада дон мустақиллигига эришиш йўлида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда. Биргина 4-ширкатнинг ўзида 160 ўрнига 230 гектар майдонда буғдой ўстириляпти. Қор остидан мўралаб турган ямяшил майсалар ушбу йилда мўл ҳосил етиштиришдан дарак бериб турибди.

СУРАТЛАРДА: 1. Хўжаликнинг янги раиси Арслон Жабборов мутахассислар билан тупроқ ҳосилдорлигини ошириш хусусида суҳбатлашмоқда. 2. Ер майдонлари экишга тайёрланяпти.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган суратлар.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КЕНГАШДИ

Самарқандда деҳқончилик саноати мажмуида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги вилоят қишлоқ хўжалиги ходимлари олдида турган долзарб вазифаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов бошқарди.

Семинар-кенгашда сўзга чиққанлар қишлоқ хўжалиги соҳасининг ҳозирги аҳволи, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш билан боғлиқ вазифалар, хусусан, вилоятда пахта, ғалла ва бошқа экинлар етиштиришни кўпайтириш бўйича тузилган дастурларнинг бажарилиши тўғрисида фикр юритдилар.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Фарғона вилояти деҳқонлари қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш мақсадида Исроилнинг «Нетефим-эвнав» компанияси билан кенг ҳамкорлик қилмоқда. Ўзаро шартномага кўра Бешариқ ҳамда Учқўприк туманларида бог ва токзорларни томчилатиб суғориш иншоотлари, Охунбобоев, Боғдод, Бешариқ, Учқўприк, Фарғона ва Ёзёвон туманларида эса кичик сут заводлари қуриладиган бўлди. Шунингдек, сут маҳсулотларини қўйиш учун бир марта ишлатиладиган пластик идишлар ишлаб чиқаришга ҳам келишиб олинди.

(ЎзА).

ҲУҚУҚШУНОСЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

ГУЛИСТОН. Сирдарё вилояти прокуратурасида матбуот конференцияси ўтказилди.

Вилоят прокурори Ф. Раҳимов, ички ишлар бошқармаси бошлиғи П. Жумаев ва вилоят адлия бошқармаси вакиллари жиноятчиликка қарши кураш йўлида олиб борилаётган ишлар ва вазифалар ҳақида гапириб, вилоят матбуот ходимларининг саволларига жавоб қайтардилар.

Абдужалил УМАРОВ.

Ўзидан чиққанга нима етсин

КОРХОНАГА АЙЛАНАЁТГАН ХЎЖАЛИК

«Китоб» боғдорчилик хўжалиги тумандагина эмас, вилоятда кўп маҳсулот етиштираётган жамоалардан бири. Моҳир боғбонлар ҳам шу ерда. Ўтган йили қор токзорларга қаттиқ зарар етказди. Тадбиркорлик ва тинимсиз меҳнат туфайли боғбонлар давлат буюртмасини бажаришди. 6,5 минг тонна узум етиштирилди.

Хўжалик ўзининг бақувват шароб корхонасига эга. Бу йил корхонада 400 минг деколитр шароб тайёрланди. Тадбиркорлар яқинда хўжаликнинг 2-бўлимида яна битта корхонани ишга туширишди. Бир кеча-кундузда 200 тонна узумни қайта ишлаш қувватига эга бўлган корхонада келгусида коньяк ишлаб чиқариш мўлжалланган. Бундан ташқари, эски пиллахона биноси таъмирланиб, шароб қуядиган ускуналар ўрнатилди. Бир сменада 10 минг шиша идишга шароб қуйиш қувватига эга цехда 30 ишчи меҳнат қиляпти. Йил охиригача 100 тонна шароб идишларга қуйилиб, савдога чиқарилади.

Китоб қадимдан ўзининг ноз-неъматлари, хусусан майизи билан тилга тушган. Аммо мевани қуритиш имконияти йўқ эди. Хўжаликда қурилган яна бир корхона бу муаммони ҳам ҳал қилиш имконини берди. Италиянинг «Сандвиг» фирмасидан сотиб олинган ускуналар ёрдамида соатига 3 тоннагача мева ва узум, ҳатто сабзавот қуритиляпти. Энди тадбиркорлар жаҳон бозори талабларига жавоб берадиган маҳсулотларни кўпайтиришни мақсад қилиб қўйишди.

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси матбуот хизмати хабар қилади

КАМОМАД КЎП ЭКАН

Навоий вилояти ўқув юртлари, умумий таълим ва мактабгача тарбия муассасаларидаги ошхона-ю, буфетларда савдо қоидалари ҳамда солиқ қонунчилигига риоя этиш бўйича текширув ўтказган давлат солиқ идоралари ходимлари масъул шахслар томонидан содир этилган кўпгина камомадга йўл қўйилиши ҳолатларини аниқладилар. Хусусан, Навоий шаҳридаги 13-мактаб ошхонасида (мудири Дурдиева) 207 сўм 56 тийин, Нурота туманидаги 4-ҳунар-техника билим юрти ошхонасида (омбор мудири Б. Хидиров) 25 сўм 13 тийин ва (ошпаз О. Каримов) 24 сўм 40 тийин, «Гулдаста» болалар боғчаси ошхонасида 309 сўм 95 тийин камомад аниқланди. Қизилтепа туманидаги 36-мактаб-интернатда, Конимех туманидаги 20-мактаб-интернатда ҳам шундай камчиликлар аниқланди. 20- мактаб-интернат ошхонасида текширув ўтказилганда 59 сўм 12 тийин камомаддан ташқари Роҳила Давова жавобгарлигидаги маҳсулотлардан 78 сўм 42 тийинлик ортиқча ҳам чиқди.

Қизилтепа туманидаги 10-ҳунар техника билим юрти ошхонаси бош ошпази 209 ўқувчига овқатларни тегишли ҳужжатларсиз тайёрлаган. Унга 500 сўм жарима белгиланди. 114 ўқувчи овқатланадиган 36-ҳунар - техника билим юрти ошхонаси бош ошпази З. Норов, омбор мудири Х. Норматовларга ҳам «ҳужжатсиз» ишлаганлари учун камомадни уч баробар қилиб қоплаш жазоси ва қўшимча 500 сўмлик жарима солинди.

И. ЎСАРОВ.

Ташвишли хабар

ЛОЙГА ҚОРИШГАН «ОҚ ОЛТИН»

Яқинда биз Иштихон туманининг Митан пахта қабул қилиш ва тозалаш заводида бўлдик.

— Бу йил туманда етиштирилган барча ҳосилни қайта ишлаш қувватига эгамиз, — деди завод тайёрлов бўлимининг бошлиғи, директор ўринбосари Ислом Сувонов. Бу йил режани 106 фоиз уддалашган, Иштихон тумани захматкаш деҳқонларининг 33 минг 543 тонналик, пешона тери, қалб қўри эвазига етиштирилган ҳосили дегани!

Энди асосий мавзуга ўтсак, Митан пахта тозалаш заводи туманнинг айрим пахта етиштирилган зоналаридан40-50, ҳатто ундан ҳам ошиқроқ чақирим олисликда жойлашган. Шу боисдан ўтган йилги мавсумда заводнинг бешта пахта қабул қилиш пунктларида ҳам ўзига яқин хўжаликлардан ҳосил тўпланганди. Хулласкалом, айни шу кунларда бешала пунктдан ҳосил пешма-пеш яна заводга келтирилмоқда. Кўнига ўртача келтирилаётган пахта 280-350 тоннани ташкил этади.

Хўш, мавжуд бешта пунктдан мавсумда тўпланган ҳосилни заводга келтириш қай аҳволда? Режани ортиғи билан бажарган туман пахтакорларининг меҳнатига муносабат қандай? Биз бу ерда пунктлар ва завод оралиғидаги ўнлаб чақирим масофадаги йўл ёқаларида бойлигимиз бўлмиш оқ пахтанинг тўкилиб лойга, чангга қоришиб ётганлигини кўриб ачиндик.

Завод директори Толлибой Санаевни тополмагач тайёрлов бўлимининг бошлиғи Ислом Сувоновга, «Юринг, Иштихон — Митан оралиғидаги тўкилган пахталарни кўрайлик», — деганимизда; «Тўкилганлиги аниқ. Шу ишни ҳеч эпполмаяпмиз-да», — деб юборди. Масала равшан.

Наҳотки, катта қийинчиликлар эвазига етиштирилган ҳосилга шундай муносабатда бўлинса?! Ишни шундай ташкил этиш керакки, токи деҳқоннинг ғурури, қадри ерга тўкилиб ётган шу «оқ олтин»дай топталмасин.

Маъмуржон УМУРЗОҚОВ,
Абдусаид НУРБОЕВ.

Яхшининг номи ўчмас

УЙҒОҚ ДУНЁ

Амуни қучган Термиз шаҳридаги катта кўчалардан бирига номи берилган Орифжон Ҳакимов Фарғона вилоятининг Олтиариқ туманида туғилиб вояга етган эди. Эслашларича, Орифжон Ҳакимов дарёдай жўшқин, дарёдай саховатли инсон бўлган.

...Орифжон 1928 йилда Фарғонадаги муаллимлар тайёрлаш билим юртига ўқишга кирди. Бу курсни битириш арафасида саломатлиги ёмонлашиб, қишлоққа қайтди. Унда шоир табиатлилик ҳам бор эди. Шеър,ҳикоя, мақолалар ёзиб турарди. Соғлиги тикланиши билан туман рўзномасига ишга таклиф этишди. Адабий ходим, бўлим бошлиғи ва масъул котиб бўлиб ишлади. Жасур журналист сифатида танилди. Айни пайтда у билимини ошириши зарурлигини сезади. Шу мақсадда 1936 йилда Фарғона давлат пединститутига ўқишга кирди. 1940 йили бу даргоҳни имтиёзли диплом билан битирди ва шу ерда муаллим бўлиб ишлаб қолди. У моҳир ташкилотчи, ўткир нотиқ ҳам эди. Шунданми, Фарғона вилоят партия қўмитасининг энг фаол лектори бўлиб қолди. Кўп ўтмай Фарғона вилояти партия қўмитасининг котиби бўлди. Сўнгра олий партия мактабида ўқиди. Водийдаги Балиқчи, собиқ Сталин, Ворошилов туманлари партия қўмиталарининг биринчи котиби вазифаларида ишлади. Кўп ўтмай Андижон вилоят партия қўмитасининг асосий бўлими — партия, комсомол, касаба уюшмалари билан ишлаш бўлимига раҳбарлик қилди ва бу даврда эл ва давлат раҳбарлари назарига тушди. У Қорақалпоғистон вилоят партия қўмитасининг котиблигига тавсия этилди. Бу — оддий қишлоқ ўғлининг билими ва салоҳиятига, тажриба ва имкониятига берилган катта ишонч, шарафли масъулият ҳам эди. У бу ишончни қадрлади, уни оқлашга ўзини бағишлади.

...1952 йилнинг кеч кузи Орифжон Ҳакимов ҳаётида алоҳида, таъбир жоиз бўлса, барча имкониятларини намоён этиш даври бошланди. У Сурхондарё вилоят партия қўмитасининг биринчи котиби этиб сайланди. Қарийб 10 йил шу лавозимда ишлади.Бу даврда чинакамига тобланди. Вилоятнинг иқтисоди, одамларнинг турмуш даражаси яхшиланди. Қурилиш ва саноат ривожлантирилди. «Оқ олтин» билан бирга «қора олтин» — нефть қазиб чиқариш кўпайди. Маҳаллий аҳоли ҳисобига ишчилар сафи ўсди. Айниқса, кадрлар танлаш борасида катта тажриба тўпланди.

Воҳадаги иш фаолиятидан қўйидаги бир лавҳани келтириш орқали қаҳрамонимизнинг ички дунёсини, қандай одамлигини билиб олиш мумкин.

Никита Хрушчев давлат тепасига келгач, раҳбар кадрларнинг шахсий уй-жойларини тортиб олиш, боғча ва мактабларга бериш ҳақида қарор чиқарган эди. Ўзбекистоннинг кўплаб вилоятларида бу қарор «ўринлатиб» бажарилди. Лекин воҳада бу борада вазминлик ва адолат билан иш тутилди. Орифжон ака кечани кеча, кундузни кундуз демай, ўз оромидан кечиб ишлаётган, бир этак болалари билан гоҳ у ерга, гоҳ бу ерга кўчиб юрган кадрларга қайишди. Маънавий ва моддий зиён кўрган раҳбар кадрнинг қўли ишга бормаслигини, бундан жамиятга ҳам зарар етишини тушунар эди. Лекин қарорни бажармаса ҳам бўлмайди. Айрим раҳбарларга хўжакўрсинга хайфсан берди. Қолаверса, кенг кўламда қурилишлар қилинганлиги, кўпроқ мактаб, боғча, шифохоналар қурилгани учун раҳбарлардан тортиб олинадиган 20—30та уйга муҳтожлик йўқ эди. Орифжон ака Марказкўмга бориб, Шароф Рашидовни шунга ишонтира олди.

Узлуксиз меҳнат, ақлий ва жисмоний зўриқишлар 1961 йилнинг қирчиллама қишида юракка чанг солди: дастлабки инфаркт! Узоқ даволанди. Эл қатори, беташвиш, оддийроқ иш бўлса, қилиб юрмоқчи эди. Яна Шароф ака йўқлади. «Деҳқончилик борасидаги чуқур илмингизни сарфлашингиз керак», — деди у. Республика қишлоқ хўжалиги министрига муовин қилиб тайинланди. Ишга берилиб кетди. Янги мевазорларни кенгайтириш, боғдорчиликни ривожлантириш учун жон куйдирди. Шу боисми, 1970 йилда республика ўрмон хўжалиги Давлат қўмитасининг раиси бўлди. Бу даврда Ўзбекистондаги ўрмон хўжаликларини кезиб чиқди, ўрганди, кўп иш қилди. Қир-адирлар, тоғларда кўплаб мевазор, узумзорлар барпо этилди.

Бир шоир яхши инсонларни ўчмайдиган чўққа қиёслаган эди. Улар ҳаётлигида, ўтганларидан кейин ҳам хотиралардан ўчмайдилар. Тириклар қалбида, тарих бағрида сўнмас чўғ бўлиб қоладилар, йиллар ва замон шамолларига бардош берадилар, ўчмайдилар. Аксинча, янада чўғланиб, тириклар қалбида нур янглиғ яшайдилар.

Алишер ИБОДИНОВ,
Мухлис ЖЎРАБОЕВ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ОЗАРБОЙЖОН ҲАМДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ТАРАФДОРИ

МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг Алматида бўладиган навбатдаги учрашувида Озарбойжон ҳамдўстлик мустаҳкамланиши учун ҳаракат қилади, деди Президент Ҳайдар Алиев Давосдаги жаҳон иқтисодий анжумани мажлисида иштирок этаётиб. Шунингдек, у Озарбойжон ҳукумати МДҲ доирасида қандайдир янги ташаббус кўтариб чиқишни режалаштираётгани йўқлигини билдирди.

МЕҲМОНЛАР УЧУН СОЛИҚ

Қозоғистон пойтахти Алматига келиб-кетувчи хорижий шахслар учун махсус тартиб жорий этилди. Бундан буён Алматига бир кундан ортиқ муддат билан хизмат сафари, тижорат, дам олиш ва даволаниш учун келган шахслар рўйхатдан ўтиши ва солиқ тўлаши шарт. Пойтахт меҳмонларидан олинадиган солиқ республикадаги энг кам ойлик миқдорига нисбатан беш фоизни ташкил этади.

ЕВРОПА ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар иқтисодиётнинг ўсиши мазкур йилда ва келаси йили 2,9 ҳамда 3,2 фоизни ташкил қилади, дейилади Европа Иттифоқи кенгашининг ҳисоботида. Унда таъкидланишича, 1994 йили Европа Иттифоқига аъзо давлатларда пулнинг қадрсизланиши 3,1 фоизга ўсган. Жорий йилда эса бу кўрсаткич 3 фоиздан кам бўлиши кутилмоқда.

ҲАМКОРЛИКДА ҲАРБИЙ МАШҚ

Америка Қўшма Штатлари билан Албания қўшинларининг ҳамкорликдаги ҳарбий машқлари ниҳоясига етди. Ҳарбий машқлар НАТОнинг «Тинчлик учун ҳамкорлик» дастурига асосан 26 январда бошланган эди. Унда Буюк Британия, Германия ва Италиянинг ҳарбий қўшинлари ҳам иштирок этди. Ушбу тадбир Албания билан АҚШ ҳамкорлигида ўтказилган иккинчи ҳарбий машқдир.

БОШ ВАЗИР ФИКРИ

ПАРИЖ. Франция Бош вазири Эдуард Балладюр журналистлар билан суҳбатда Россия Европа Иттифоқига киришга муносиб эмаслигини таъкидлади. Унинг айтишича, Россия ҳукуматининг Чечнистонга нисбатан ҳаракатлари унинг Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти доирасида зиммасига олган мажбуриятларини «қўпол равишда бузиш»дан иборат.

ЧЕГАРАДА ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА

БМТ. Тожикистон ҳеч қандай шарт қўймасдан вақтинча ўт очишни тўхтатиш ва бошқа душманлик ҳаракатларини олиб бормаслик тўғрисидаги битимнинг амал қилишини белгиланмаган муддатгача узайтиришини Бирлашган Миллатлар Ташкилотига маълум қилди. Бу ушбу битимга Тожикистон-Афғонистон чегарасида ва мамлакат ичкарисида тўла амал қилинади.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

Мерос

ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Дарҳақиқат, бугунги кунда миллий онгнинг уйғониши ва шаклланиши, миллий ўзликни англаш муҳим муаммолардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ижтимоий ҳаёт ва жамиятнинг турли жабҳаларида бўлаётган ўзгаришлар шубҳасиз, кишилар онгида акс этади. Жамиятда амалга оширилаётган ўзгаришларни халқ тўғри баҳолай олиши ва бу ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этмоғи учун энг аввало, миллий онг уйғониши, миллийлик, ўзлигини англаш омиллари ҳақида маълум тасаввур, тушунчага эга бўлмоқ зарур.

Маълумки, ҳар қандай миллатнинг шаклланиши ўзининг узоқ тарихига эга бўлиши билан бир вақтда бир миллатнинг иккинчисидан фарқ қиладиган ўзига хос томонлари, хусусиятлари бўлади. Олимларнинг фикрича, бу хусусиятлар миллий руҳиятда (ёки бошқача қилиб айтганда, миллий психологияда) ўз аксини топади. Яъни, «мен» ва «биз» тушунчалари орқали ифодаланади. Масалан, ўзбек, рус, украин, белорус, инглиз каби турли миллатлар «мен» деганда аввало қайси миллатга мансублиги аниқланади, «биз» деганда ўзига ўхшаш миллатлар билан биргалиги: оиласи, қариндош-уруғи, таниш-билиши ёки кенгроқ маънода олинганда бир миллатга мансуб бир бутун халқ тушунилади.

Демак, миллийлик тушунчаси миллат тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлиб ундан ажралмасдир. Жумладан, Ўзбекистоннинг мустақиллик шароитида миллийлик ўзбек халқининг ўтмиши, унинг босиб ўтган шонли йўли, ўзига хос маданияти, тил бирлиги, урф-одат ва анъаналарига эгалиги, тарихан орттирган бой ҳаётий тажрибаси киради.

Хўш, миллий ўзлик нима? Миллий ўзлик миллийликка мансуб барча хусусият ва жиҳатларни кўзда тутади. Ўзбек халқи миллий ўзлигини англашга интилиши ва уни кўз қорачўғидек сақлаши миллат учун характерли хусусиятдир. Ўзбек халқи миллат бўлиб шаклланган узоқ ўтмишда ҳам ва ундан кейинги ижтимоий-иқтисодий шароитларда пайдо бўлган миллий ўзликка хос белги ва хусусиятлар уни вужудга келтиришга сабаб бўлган шароитлар ўзгарганда ёки бутунлай йўқ бўлиб кетганда ҳам миллий ўзликни ташкил этувчи ҳолатлар сақланиб қолаверади. Чунки ҳар қандай миллат, шу жумладан, ўзбек халқи ҳам тарихий тараққиёт жараёнида хўжалик, ижтимоий, маданий фаолият, фан, адабиёт, санъат ва диний қарашлар ҳамда фаолиятлар соҳасида тўпланган бой тажрибалардан фойдаланиш билан бир вақтда бу тажрибани авлоддан авлодга ўтказиш йўли билан узоқ вақт сақланади.

Бугунги мустақил Ўзбекистон шароитигача ўз миллий ўзлигини сақлаб келган ўзбек халқининг узоқ ўтмиш тарихига назар ташласак, унинг шаклланишида бир қанча этник гуруҳлар иштирок этганлигини кўрамиз. Таниқли тарихчилар А. Асқаров ва Б. Аҳмедовларнинг ёзишича: буларга аввало икки дарё оралиғида қадимдан яшаб келган хоразмлик саклар, массагетлар, сўғдийлар, хоразмий, бохтар, чочлик ва парконаликлар киради ва улар ўзбек халқи илдизининг тагтомири, биринчи ва асосий компоненти ҳисобланади. Олимларнинг фикрича, ўзбек халқининг шаклланиш жараёни узоқ даврни эгаллайди ва бир неча босқичлардан иборат. Унинг асосий белгиларининг шаклланиши X ва XI асрнинг биринчи ярмига тўғри келади. XV асрда Шайбонийхонлар давлатининг, XVI асрда Бухоро ва Хива хонликлари ва XVIII асрда Қўқон, Бухоро ва Хива хонликлари ва XVIII асрда Қўқон хонликларининг тузилиши ўзбек халқининг шаклланишида муҳим босқич бўлди.

Узоқ ўтмишдан тортиб токи ҳозиргача ўзбек халқига мансуб белги ва хусусиятлар унинг ўзлиги сифатида сақланиб келмоқда. Ҳатто ватандан узоқда бўлган ўзбеклар ҳам (масалан, Афғонистон, Покистон, Саудия Арабистони, Америка ва бошқа жойларда) миллий ўзликларини (тили, маданияти, турмуш тарзи ва ҳоказо) йўқотмаганлар.

Бироқ коммунистик мафкуранинг яккаҳокимлик даврида миллийликни тарғиб ёки таҳлил қилувчиларга деярли йўл қўйилмади. Ҳар қандай миллий ўзликка интилган кишилар, ўзбек халқи маданий меросини тиклашга ҳаракат қилган одамлар қатоғон қилиндилар ёки қаттиқ жазоландилар. Маданиятни, турмуш тарзини байналмилаллаштириш байроғи остида миллий маданият, қадриятларга қарши курашилди. Хусусан, диний қарашларга, ислом қадриятларига аёвсиз курашилди.

Туркистон генерал губернатори фон Кауфман императорга йўллаган мактубларининг бирида истило Марказий Осиё халқларининг маданиятини, ижтимоий тараққиётини юз йилга орқага суриб ташлаганлиги тўғрисида мақтаниб ёзган. Шубҳасиз, инқилобдан аввал мачит, мактаб, мадрасаларда ўқишлар чегараланган, араб, форс, тожик ва туркий халқлар тилларида битилган ноёб қўлёзмалар чор маъмурияти томонидан қуйдирилган. Инқилобдан кейин Сталиннинг қирғинбарот даврида эса маърифатлилар билан бирга эски китоблар ҳам йўқ қилинганди, — деб ёзади Мажид Ҳасаний.

Ана шундай шароитда ҳам ўзбек халқи ўзлигини йўқотмаганлиги, фани, адабиёти, диний қадриятлари, маданий меросни сақлаб қолганлигини бугунги кун кўрсатмоқда.

Марказий Осиё халқларида миллий белги ва хусусиятларнинг шаклланишида ислом катта ўрин тутади. Чунки ислом бу халқлар тарихида уларнинг фақат диний эътиқоди, диний талабини қондирувчиси бўлмасдан, балки турмуш тарзи ва ҳақиқий мафкураси вазифасини ҳам бажарди.Халқимиз тарихида бунёд этилган маданий ҳаёт, фан ва адабиёт, қадриятлар умуман турмуш тарзи исломнинг таъсири остида шаклланди ва ривожланди. Шунинг учун биз миллий ўзликни англашда маданий меросни роли деганда бу борада исломнинг роли ва ўрни бўлганлигини ҳисобга оламиз. Бир сўз билан айтганда, маданий меросимизни исломдан холи тасаввур қилолмаймиз. Бугун миллий ўзлигимизни англашда ҳам ислом қадриятларининг ўрни ва роли беиҳоядир.

Мустақил Ўзбекистон шароитида миллий ўзликни билишга маҳаллий халқларимизда қизиқиш даражаси қандайлигини билиш мақсадида республикамизнинг бир қанча вилоят ва туманларида ўтказилган сўров анкеталари қуйидаги натижаларни берди. Ҳозирги шароитда ўзбек халқи миллий онги уйғонишининг асосий омиллари нимадан иборат? — деган саволга сўралганларнинг кўпчилик қисми — Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий мустақилликка эришганлиги туфайли деб ҳисоблайдилар, улар 83,7 фоизни ташкил этди. 73,2 фоизи эса миллий онгнинг уйғонишига биринчи сабаблардан қилиб — миллий урф-одат ва қадриятларимизнинг тикланиши, деб ҳисобламоқдалар. 69,2 фоизи эса миллий онг ҳамма вақт халқимизда бўлганлигини таъкидлаб , бугунги кунда миллий ўзликни ўрганишга қизиқиши тобора ортиб боришини табиий ҳол демоқдалар.

Дарҳақиқат, миллий онгнинг ўсиши миллий ўзликни англашга қаратилган ҳаракат билан боғлиқ. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, суҳбатдошларнинг аксарият кўпчилиги ўтмиш маданий меросимиздан узилиб қолганлигимизни, кўп қадриятларимиз, аллома олимларимиз фаолиятидан бехабар эканлигимизни қайд қилдилар. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритиши бу камчиликларни тўлдиради, деб умид қиладилар.

Сўров анкетамизда ўзбек халқи тарихида ва ҳозирги кунда исломнинг миллий онг ривожига қандай таъсири бўлган? — деган саволимизга қуйидаги жавобларни олдик: ислом ахлоқий тарбия орқали миллий руҳиятга ижобий таъсир қилиб келган ва ҳозирда ҳам шундай бўлаётир дегувчилар — 89 фоизни ташкил этди. Ислом маънавий қадриятларни ривожлантириш орқали миллий онг камолотига кўмаклашади дегувчилар 71,5 фоизни ташкил қилди. Инсон тарбияси ва камолоти учун, унинг миллийлигини сақлаш учун 81,3 фоизи Қуръон ва ҳадислар талабига риоя қилган кишиларгина бунга эришади, деб жавоб бердилар.

Ўзбек халқидаги миллий ўзликни англаш жараёни кенг маънода жуда кўп омиллар орқали намоён бўлади. Бунда маданий меросниг ўрни ва аҳамияти эса алоҳида эътиборга молик йўналишдир.

Тадқиқот материалларини таҳлил этишимиз шундан далолат берадики, биринчидан, миллий онг, миллий руҳият (ҳиссиёт), барча миллатлар учун хос бўлганидек, ўзбек халқи (миллати) учун ҳам ҳаёт тарзининг ажралмас қисми бўлган ва шундай бўлиб қолади; иккинчидан, миллатга хос белги ва хусусиятлар «мен», «биз» ёки «бизлар», «улар» деган тушунчалар билан бир-биридан фарқ қилса-да, байналмиллаллик характерини умуман йўқотмайди. Соф миллий хусусиятдан ташқари диний қарашлар, эътиқодлар туфайли турли миллатлардан ташкил топган иккинчи даражадаги тушунча ҳам халқларни бирлаштиради. Масалан, мусулмонлар, христианлар, буддистлар ва бошқалар. Аммо бундай умумийликка эга бўлган ҳар бир миллат ўз миллийлигини доимо сақлаб қолади; учинчидан, тадқиқотимиз натижаси бўйича ўзбек халқи ўзининг ўтмиш маданий мероси, ота-боболар, аждодлари қолдирган ижтимоий, иқтисодий, хўжалик, илму-фани, адабиёти, дини билан фахрланади, уларни билишга йўналтирилган миллий онги юксалишида давом этмоқда; тўртинчидан, миллий ўзликни англаш бу — тил бирлиги, ўзбек миллатига мансублиги, ҳудуди ва ўзбек давлатига эга бўлиши, ўзининг миллий урф-одати, анъаналари, хўжалик юритишнинг ўзига хослиги, фанлар соҳасидаги ютуғи, дини, ўзбек миллатининг қайтарилмас белгисидан иборат.

Мустақилликнинг яна бир жиҳати, миллий ўзликни англашнинг асосларидан бири маданий меросдир. Ўзбек халқи, Марказий Осиё халқи ҳақли равишда фахраланадиган маданий меросига эга. Бу ўлкада тарихнинг буюк тараққиёт йўлида илму фанда донг таратган буюк олимлар, жаҳонга танилган шоирлар, шоҳу шуҳрати оламга ёйилган даҳолар, маърифатпарварлар яшаб ижод этишган. Хулоса шуки, ўзбек халқидаги ўз ўтмиши, тарихи, қадриятларига бўлган қизиқиш кун сайин ортиб, маданий меросниг тобора тикланиши ўзбек халқи ўзлигини англашига қулай шароит туғдирмоқда. Ўзбек халқидаги миллий ўзликни англаш ҳиссиёти миллий психология ва характерни сақлаш ва ривожлантириш, миллий урф-одат, анъана ва байрамларга содиқ бўлиш, миллий санъат, адабиёт, тил, илмуфан соҳаларида ҳам миллий хусусиятни йўқотмасликни тақозо этади. Шунингдек, маданий меросимизни тиклаб уни ўрганишга киришганлигимиз мустақиллик туфайли бошланганлигини ҳисобга олсак, ҳали бу меросимизни ўрганиш учун жуда кўп вақт ва куч кераклигини эътироф этиш лозим. Қисқа вақт ичида қилинган ишларнинг ўзидаёқ ўзбек халқи ўз-ўзлигини англаши борасида қулай имкониятлар вужудга келди.

Иброҳим ХЎЖАМУРОДОВ,
фалсафа фанлари доктори.

Шифокор огоҳлантиради:

«САРИҚ»ДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!

Вирусли гепатит «В» (ВГВ) асосан одамлар орасида учрайдиган хасталик бўлиб уни қўзғатувчи вируслар жигар тўқималарининг яллиғланишига ва бошқа ички аъзоларнинг зарарланиши, уларнинг ҳаётий фаолиятига таъсир этишидан келиб чиқадиган мураккаб жараён. Унинг вируси фақат шу хасталик билан сурункали оғриб юрувчи беморларда ҳамда ўзи «соғлом», лекин ушбу вирусни ташиб юрувчи шахслар қонида бўлиб, бошқа соғлом одамларга қон зардоби орқали юқиши мумкин. Айниқса, қон топширувчи донорлар қони орқали юқади. Бундан ташқари, эркаклар шаҳвати орқали ёки ҳомилага эса туғилиш вақтида она қонидан ўтиши мумкин. Баъзан тери ва шиллиқ пардаларнинг бутунлиги бузилиши (яра чақалар) орқалиям юқади. Бу вируслар сўлакда ва кўз ёшда ҳам бўлиши мумкин.

Бу вирус юқори ҳароратта чидамли, 20-25 даражада 3 ойгача, 5-10 даражада 6 ойгача, музлатилганда 15-20 йил, қуруқ қон зардобида эса 25 йилгача ҳалок бўлмайди. Асосан тери ва мушаклар ёки қон томирига нина тиқиб муолажа (укол) қилганда донор қонидан тайёрланган ушбу вирус билан зарарланган зардобни қуйишда юқиши мумкин. У билан сурункали оғриган беморлар қонининг 1 мл.нинг мингдан бир қисми касаллик қўзғотиш учун кифоя.

Акушер-гинеколог, стоматолог, жарроҳлар, безакчилар ишлатадиган асбобларни яхши зарарсизлантирмаслиги оқибатида бир нина шприцни кўпчиликка ишлатганда ҳам касаллик юқади. Яқинда Тошкент шаҳри атрофидаги туманлардан бирида стоматология поликлиникасида тишни даволатган бир оиладан икки мурғак бола вирусли гепатитнинг «В» тури билан оғриб, биттаси оламдан кўз юмган, иккинчиси эса кўп қийинчиликлар билан ҳаёти сақлаб қолинди.

Бу хасталикнинг вируслари қонга тушгандан сўнг жигарда тўхтаб қўпайиши натижасида олти ҳафтадан бошлаб 6 ой муддат орасида биринчи белгилари сезилади. Бу «яширин давр» деб аталади. Сўнг ривожланиш бошланади. Бир ҳафтадан уч ҳафтагача чўзилиб, беморда асабийлашиш, уйқунинг бузилиши, ёқимсиз туш кўриши, тинка қуриши, терлаш, иштаҳа пасайиб, оғизда какра таъм, баъзан ўнг қобирға остида оғриқ пайдо бўлиши, тана ҳароратининг кўтарилиши билан кечади.

Одатда ВГВ билан оғриган беморларда ҳолсизланиш, ланжлик, кўнгил айнаш, қусиш, жигар шишиб оғриқ пайдо бўлиши, баъзи ҳолатларда баданнинг қичиши ва тана ҳарорати юқори кўтарилиши мумкин. Қоннинг қотиши хусусияти пасайиши муносабати билан тери остида тошма тошиши, бурун қонаши аломатлари тез-тез учраб туради. Юқорида айтиб ўтилган хасталик белгиларига қараб оғир, ўртача оғирликда ва енгил ўтиши мумкин.

Баъзан бу хасталик ўта енгил ва сарғайиш аломатисиз ҳам ўтади. Ривожланиш даври 2-3 ҳафта мобайнида давом этиб, кўпинча орқага қайтиб, беморнинг аҳволи гўё яхшилана боради. Жигар шиши камайиб, ҳажми ўз ҳолатига қайта бошлайди. Лекин баъзи беморларда чўзилиб (3 ойдан 6 ойгача) ёки сурункали тусга 6 ойдан узоқроқ муддатда кечиши мумкин.

Шу нарсани алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, унинг қандай бошланиши, оғир-енгил кечишини билсак-да, кўнгилсиз оқибатга олиб келишини ҳар доим ҳам олдиндан аниқлаш мушкул. Шунинг учун беморга алоҳида аҳамият бериб, кунлик узғаришларни ҳисобга олиш керак ва даволаш усулларини мослаштириб, парҳез овқатлар билан таъминлаш лозим. Унга айниқса, осойишталик ниҳоятда зарур. Акс ҳолда беморнинг умумий аҳволи тўсатдан оғирлашиб, кўнгли айниб, қусиши ёки тана ҳарорати кутилмаганда кўтарилиб безовталаниб, баданидаги сариқлик янада ошиб, қисқа вақтда ҳушсиз бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бундай пайтда жигар сезиларли даражада кичрайиб, ўз ҳаётий вазифасини бажаролмай қолади. Яъни, беморда ўткир жигар мия (энцфалопатия) етишмовчилиги ривожланади.

Бундан ташқари, яна ўт йўллари, ўт пуфаги ишининг бузилиши, бемор тузалгандан кейин ҳам вирус ташувчи бўлиб қолиши, оқибатда жигар циррози каби оғир хасталикка ўтиши ёки бирламчи жигар ракини келтириб чиқаришига сабабчи бўлиши мумкин.

Вирусли гепатитнинг бу тури билан оғримаслик учун нималарга риоя қилиш лозим? Аввало, шу касаликка чалинган ёки сурункали тусга ўтган ўзи «соғлом» вирус ташувчиларни аниқлаб, ҳисобга олиш, шунингдек, турли игналарни ишлаттандан кейин бошқаларга қўлламаслик ёки яхшилаб заррарсизлантиргандан сўнг фойдаланиш, шифохоналарда, туғуруқхоналарда, жарроҳлик бўлимларида, қон қуйиш муассасаларида, косметик устахоналарида ишлатиладиган асбобанжомларни фақат зарарсизлантиргандан сўнгтина фойдаланиш, қон топширувчи донорларни мунтазам текшириб бориш тавсия этилади.

Булардан ташқари, хонадонларда, ясли-боғча, мактабларда шахсий ва умумий тозаликка эришиш, уй-рўзғор буюмларидан кўпчилик бўлиб фойдаланмаслик, вирус ташувчилар билан яқиндан муомала қилишдан сақланиш, яра-чақаларни ўз вақтида даволаш, сартарошхоналарда ёки шунга ўхшаш хизмат жойларида тери бутунлигини бузилишдан сақлашга эришиш керак. Қон ёки қондан тайёрланган дори оқсилларидан фойдаланишда ҳам ўта эҳтиёткорлик талаб қилинади.

Шунингдек,ВГВ га қарши ёки болалар, туғиш ёшидаги аёллар, шу касаллик юқиш хавфи бўлган шахсларни эмлаш йўли билан турғунлик (иммунитет) ҳосил қилиш ҳам жиддий чора-тадбирлардандир. Бу ва шунга ўхшаш юқумлик хасталикларга қарши курашиш на фақат тиббиёт ходимлари олдида турган муаммо бўлмай, ҳар биримизнинг энг муҳим вазифамиздир.

Илёс ХАЛИЛОВ,
тиббиёт фанлари номзоди,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган шифокор.

Лукма

ЎҚУВЧИ СОҒЛИҒИНИ ЎЙЛАЙСИЗМИ?

Эрталаб фарзандини ювиб-тараб мактабга кузатган ота-онанинг бир нарсадан кўнгли тўқ бўлади: ҳар ҳолда мактабда тинчгина ўқиш учун шароит бор, бадан тарбия дарслари ёки дам олиш лаҳзаларидаги югуриш-елишларда болага кимдир кўз-қулоқ бўлади. Аммо ҳамма жойда ҳам шундайми? Давлатимиз ўқув даргоҳлари тарбияланувчиларининг шарт-шароитини яхшилаш учун ажратаётган маблағдан ҳамма жойда ҳам унумли фойдаланиляптими?

Фарғона шаҳридаги Қиргули тумани мактабларида 6,5 мингдан ортиқ бола таълим олади. Туман прокуратураси вояга етмаганларнинг соғлиғини сақлаш ва муҳофаза қилиш ҳақидаги қонунлар ижросини текширганда мактабларда бу борада ачинарли аҳвол ҳукм сураётгани кўзга ташланди. Қаранг, ҳар бир мактаб учун алоҳида тиббиёт ҳамшираси лавозими ажратилганига қарамай, Қиргулидаги еттита мактабдан фақат биттасидагина ҳамшира доимий ишлаб турибди.

Туман халқ таълими бўлимидагилар мактабларда тиббиёт хоналари, улардаги аптечкаларда эса зарур дори-дармонлар мавжуд. Ўтган йилнинг бошидаёқ белгиланган маблағни шунинг учун ажратганмиз дейишади. Афсуски, бирор мактабдаги тиббий ёрдам хонасида биринчи ёрдам учун зарур дори-дармонлар йўқ.

Тиббий ёрдам хоналари аҳволига маймунлар йиғлайди: улар қаровсиз, дераза ойналари синган, тегишли тарзда жиҳозланмаган. Бу ерга даволаниш учун келган бемор боланинг баттар бўлиб чиқиши тайин. Йўл-йўлакай ўқувчиларга меҳнат дарслари ўтиладиган хоналарда ҳам техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаётганлиги аниқланди. Ахир ўқувчилар саломатлигини муҳофаза қилишнинг даслабки шартларидан бириқу бу! Болалар техника хавфсизлиги қоидаларидан ҳам бехабар.

Қиргули тумани мактабларидаги бу ачинарли аҳволга Фарғона вилоят халқ таълими бошқармасидагилар нима дейишаркин?

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ АКЦИОНЕР-ТИЖОРАТ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1991 йил 1 июль 1531/18-рақамли лицензияси.
Эмиссия проспекти Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигида рўйхатга олинган.
1994 йил 18 июлдаги 06-01-85-рақамли қайднома.

ДЕҲҚОНЧИЛИК САНОАТ МАЖМУИ-РЕСПУБЛИКАДА САРМОЯЛАРНИ ЭНГ МАНФААТЛИ ЖОЙЛАШТИРИШ СОҲАСИДИР!

ҲОЗИРДА БАНК:

- Низом сармояси 100 000 000 сўмни ташкил этади,
- Ўзбекистон Республикаси банклари ичида етакчидир,
- Республикадаги банк операцияларининг иккитадан биттасини амалга оширади,
- Республика бўйича 188 та бўлимга эга,
- 12 ой иш мобайнида унинг Низом сармояси 6 мартадан кўпроқ ўсди.

Таъсисчилари 41 та юридик шахс бўлиб, қуйидагилар улардан энг йирикларидир:
1. Қорақалпоғистон Республикаси Қонликўл тумани "Сари олтин" жамоа хўжалиги.
2. "Ўздавлатсаноатсотиш" ассоциацияси.
3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги.
4. Ўзбекистон Республикаси Жамғарма банки.
5. Россия "Деҳқонсаноатбанки".
6. Ўзбекистон Республикаси Давлат суғурта бошқармаси.

"ЎЗДЕҲҚОНСАНОАТБАНК"НИНГ АКЦИЯДОРЛАРИ БЎЛИШГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!

Акциялар нақд кўринишда чиқарилган. Ҳар бир акциянинг номинал қиймати - 1000 сўм.

Акцияларга "Тошкент" фонд биржасида нарх белгиланади. 1995 йил 1 февралга келиб акцияларнинг курс қиймати 1270 сўмни ташкил этди.

Акциялар Тошкент шаҳар, Муқимий кўчаси, 43-уй ("Ҳамза" метро бекатига яқин), 53-хонада, шунингдек банкнинг республика барча вилоят ва туманларидаги бўлимларида сотилади.

☎ *Мурожаат учун телефон: факс (3712) 78-10-94.*

"ЎЗДЕҲҚОНСАНОАТБАНК" АКЦИЯЛАРИ - БУ СИЗНИНГ САРМОЯНГИЗ!

"ПБА"

ишлаб чиқариш фирмаси пул ўтказиш йўли билан
63, 50, 40, 32, 25, 20, 16, 14, 12
диаметрли полиэтилен қувурларини

сотади

Ванна ва ошхона учун мўлжалланган сифонлар, 87 градус 50 диаметрли учлик, 90 градус 50 диаметрли отвод, 50 диаметрли муфта, сув тушириш идишига улаш учун шланглар сотади.

☎ Мурожаат учун телефонлар:
48-23-03, 48-22-43.

Жамғарма Банки

ДИҚҚАТ ЭГАЛАРИ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ ТОМОНИДАН "КАПИТАЛ" ВА "КАПИТАЛ-ЛЮКС" ОМОНАТЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

"Капитал" ва "Капитал-Люкс" омонатлари бўйича даромад ҳар ойда 9% дан тўланади ва бу фоизлардан Сиз тўлиқ ёки қисман олиб фойдаланишингиз мумкин. Бундан ташқари бу омонатларни пул ўтказиш йўли билан ҳам очишингиз мумкин.

"Капитал" омонати 1 йил муддатга очилади ва энг кам миқдори 1000 сўм. Бу омонат бўйича фоизларни 1 йил давомида олиб ишлатмасангиз Сиз 180% дан юқори даромад оласиз.

"Капитал-Люкс" омонати 6 ой муддатга очилади ва энг кам миқдори 3000 сўм. Бу омонат бўйича Сиз жорий ой учун фоизларни олдиндан олиб фойдаланишингиз ва истаган миқдорингиздаги қўшимча пулни қўйишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни Жамғарма банкининг исталган муассасасидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин:
45-66-43, 33-51-95.

"КАПИТАЛ" ВА "КАПИТАЛ-ЛЮКС" ОМОНАТЛАРИ-БУ СИЗНИНГ ДАРОМАДИНГИЗ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖАМҒАРМА БАНКИ



Самарқанд вилоят Оқтош дон маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонаси республикамизда шу соҳадаги энг йирик корхоналардан ҳисобланади. Оқтошликлар ўтган йили 80 минг тонна буғдой уни ва яна шунча беш турдаги омихта ем маҳсулотларини тайёрлаб бир қанча вилоятлардаги истеъмолчиларга етказиб бердилар. Яқинда Самарқанд ва Навоий вилоятларининг 7 жойида корхонанинг ўз дўконлари иш бошлади.

Корхонада ишчилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Улар учун турар жой масаласи тўла ҳал этилган. Болалар боғчаси корхона хизматчиларининг жажжи фарзандлари ихтиёрига бериб қўйилган. Тиббий бўлимдаги 10 ўринли кундузги стационарда бемор ишчилар даволаниб, соғлиқларини тиклаб олишлари мумкин. Ошхонада эса ёрдамчи хўжаликда етиштирилаётган маҳсулотлар ҳисобига ишчилар учун арзон нархда таомлар тайёрланмоқда. Яратилаётган бу шароитлар ишчи-хизматчиларнинг янада унум билан, кўтаринки руҳда ишларини таъминламоқда.

СУРАТДА: бош механик Бекмамат Очилов ва токарь Фахриддин Ашуров.

Т. НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган сурат.

МЕНИНГ КЎНГЛИМ ОҚҚАН ДАРЁ

Дилбар БОНУ /Ҳайдарова/ 80-йилларнинг ўрталарида шеърият мухлислари назарига тушган шоира. Вақт югурик дейдилар. Умрнинг учар лаҳза дамлари унинг ҳаётида ҳам кўп ёруғ излар қолдирди. Шу орада учта шеърий тўплами чоп этилди.

Айни пайтда ўзи «Наманганфильм» студиясида директор.

***

Наманганнинг кўчасида адашган йигит,
Топдингизми қошларида ўсмаси борни.
Наманганнинг боғларида хўп шошган йигит,
Гўзалларнинг гўзалига сиз харидорми?

Наманганнинг қизларини кўп нозлари бор,
Юракни кул қиладур, кўнгил тўла оҳ.
Ул малаклар юрагида шу созлари бор,
Бевафони хароб этар бўлингиз огоҳ.

Наманганнинг гуллари кўп, гулзорлари кўп,
Тонгда сизни уйғотади булбуллар саси,
Бошингизни айлантирар ўтишса тўп-тўп
Наманганнинг қизларидан гуллар нафаси...

МИНГБУЛОҚ

Наманганнинг туганмас нархи,
Ватанимнинг сен улкан фахри,
Нефтчиларнинг бўлажак шаҳри,
Мингбулоғим, гўзал Мингбулоқ

Истиқлолнинг қора кўзисан,
Шоирларнинг айтар сўзисан,
Тошган қалбнинг худди ўзисан,
Мингбулоғим, ғазал Мингбулоқ.

Гар соғинсам, сенга бораман,
Гоҳ кўнглимни сенга ёраман.
Ҳузурингда ўйга толаман,
Мингбулоғим, гўзал Мингбулоқ.

Сен оллоҳнинг берган неъмати,
Мустақиллик учун ҳиммати
Харитага кирган қимматим,
Мингбулоғим, ғазал Мингбулоқ.

СЕН БИЛМАДИНГ

Оҳ, қўлимга қаламим битди,
Юрагимга аламинг ботди,
Йўлларингда ҳилолим ботди,
Сен билмадинг сира билмадинг.

Юрагимни илонлар чақди,
Гулларимни ёмонлар тақди,
Бизни ҳамон ёмонлар тақдир,
Сен билмадинг, сира билмадинг.

КЎНГЛИМ

Менинг кўнглим оққан дарё,
Сени минг бор кечирган,
Тоғларга ҳам ёққан дарё,
Гулларга сув ичирган.

Менинг кўнглим синиб-синиб,
Алдовингга кўнди-ей,
Кўз ёшларим шимиб-шимиб,
Сен кулганда кулди-ей.

Менинг кўнглим дунёдаги,
Ғаribларнинг ғариби,
Титрайвериб барг сингари,
Йўлларингда қариди.

Менинг кўнглим адашган қул,
Йўлларингни супурган,
Қафас ичра сарғайган гул,
Соғинчингга уфурган.

Менинг кўнглим оққан дарё,
Сени минг бор кечирган.
Тошлар бағрин ёққан дарё,
Ишқ майини ичирган.

Дилбар БОНУ

СЎЗ ҲАМ ШИФО

Юлдуз Абдуҳакимова саккиз йилдан бери Тошкент шаҳар 2-руҳий касалликлар диспансерида ишлайди. Бунгача Ўрта Осиё тиббиёт педиатрия институтини тугаллаб, шу олий билимгоҳ шифохонасида меҳнат қилаётганди. Кутилмаганда унга диспансерга ўтиб ишлашни таклиф қилиб қолишди.

— Нега, — деди у таклиф сабабига тушунолмай, - ахир бу ерда ишимдан нолимасам, жамоа аъзолари билан аҳил бўлсам, мижозлар ҳурматини жойига қўйсам — бундан ортиқ яна нима керак?

— Худди шу хислатларинг учун ҳам диспансерда ишлашинг керак! — дейишди унга.

Сабабини кейинроқ батафсил тушунтириб беришди. Шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасида Юлдузга ўхшаган бемор руҳиятини пухта биладиган, муомалада камтар, ширинсухан, иродали мутахассисларни диспансерга жалб қилиш масаласи кўтарилган экан. Бундай хайрли ишга розилик бермасликни гуноҳ деб тушунгани учун ҳам у янги жойда ўз фаолиятини давом эттирди.

Тез орада Юлдуз бу ерда ўз ўрнини, ҳурматини топди. Агар у йилига қариб 250 нафарга яқин беморни қабул қилаётган бўлса, уларнинг аксарияти шифокордан миннатдор. Асаби чарчаганларнинг кўпчилиги соғлиқларини тиклаб, меҳнат фаолиятларини давом эттираётган пайтда ҳам ўз шифокорларини унутмайдилар. Унинг қабулига келибми ёки телефондами — ҳол-аҳвол сўраб раҳмат, деб қўйишади.

— Шифокорга бундан ҳам ортиқ бахт бўлмаса керак! — дейди у.

Ш. ШОРАСУЛОВА.

СУРАТДА: Ю. Абдуҳакимова мижозлардан бирини қабул қилаётган пайт.

Суратқаш А. ТЎРАЕВ.

Уруш... Инсон хаёлига қора кўланка соладиган шу биргина таҳликали сўзнинг ўзиёқ қирғинбарот даҳшатини ўз бошидан кечирган ёхуд жигарбандларидан айрилган кишиларнинг юрагини зирқиратиб юборганига кўп марта шоҳид бўлганман. Музаффар зотларга мотам ножоиз, дейишади. Балки тўғридир, балки... Нима бўлгандаям, уларни эсламаслик, жасоратини ёш авлодга сўйламаслик гуноҳи азим.

Қуйида фронтнинг олдинги марраларида ажал билан юзма-юз жанг қилиб, Ғалаба мевасини татиб кўрган юртдошларимиз ҳақида сўз айтмоққа уриндим. Гарчанд уларнинг айримларига мамлакатимизни мустақил кўриш бахти насиб этмаган бўлса-да, лекин урушнинг ҳудудсиз майдонларида кўрсатган мардликлари мангуга қолажак.

МАРДЛАР — МАЙДОНДА ҚОЛАР

ҚИРҚ ЙИЛ ҚИРҒИН БЎЛСАЯМ...

Отам Абдужаббор 70-йилларда урушнинг мудҳиш жароҳати сабаб тўшакка михланиб қолди. Энди икки қўлтиқ таёғи ҳам, ҳамиша ёрдамга шошилган етти фарзандининг кўмагига ҳам зарурат йўқ эди. Бир куни телевизорда уруш тўғрисида кино кўрсатилди. Томоша охирлаб қолганда отам ғалати кулиб қўйдилар-да шундай дедилар:

—Киноларда кўпинча фашистлар қўрқоқ ва аҳмоқ қилиб кўрсатилади. Бу тўғри эмас. Эсимдан чиқмайди — Смоленск учун бўлган бир жангда бизникилардан ўн минг киши қатнашди. Кечқурун ҳужумдан беш киши омон қайтдик. Шунда қирқ йил қирғин бўлсаям ажали етмаганга гард ҳам юқмайди, деган нақлнинг мағзини чаққанман.

Одатда ҳар бир ҳужум олдидан аскарларга бир стакандан арақ тарқатиларди. Ичмаслигимни билганлар дарров ўз нонларига ичкиликни алмаштиришни таклиф қилишарди. Мен худога илтижо қилиб, жангга кирардим-у яна омон қайтганимга шукр қилардим. Бир куни бизнинг 197-ўқчи полкимиз ҳужум олдидан ҳандақда буйруқ кутиб ётардик. Шунда бирдан тепамизда «Миссершмидт»лар пайдо бўлиб, бомба ташлай бошлади. Улардан бири тўппа-тўғри менинг устимга бостириб келарди. Оллоҳдан мадад сўраб, қўл пулемётидан сурункасига ўқ уздим. Мўлжалим самолётнинг ёнилғи бакига тегибди. Душман самолёти ҳавога қайта кўтарила олмади. Кечқурун батальон саф тортди. Командир қўмондонлик номидан самолётни уриб туширган... Петровга орден топширди. Айтмоқчиманки, урушда ҳам миллат ажратишлар бўлиб турган.

Отам баъзан ўқ тешиб ўтган оёғи оғримай турганида биз билан ҳазил-ҳузул қилар, урушдан гап очилганда жанговар хотираларини баҳам кўрарди. 2-Белоруссия фронти қўшинлари сафида Польша, Венгрия, Чехословакия ва Германиянинг Берлингача Олий Бош қўмондон таърифлаган «уруш худоси» (76 калибрли замбарак) билан кириб борганларини гапира туриб, бир жанг тафсилоти эларига тушиб кетди. Ўшанда Смоленск учун жон олиб-жон берилаётган экан. Шунда қуршов бошланиб, у олти кунга чўзилибди. Душман бомбардимони ва замбарак ўқларидан ернинг «соғ жойи» қолмабди. Ҳандақдан бошингни кўтардинг — тамом, мерганнинг нишонига тўғри келасан. Бир неча кунлик озиқ-овқат ҳам қуйиб қулга айланган. Ҳандақнинг у ер-бу еридан илондек осилиб турган дарахт илдизларини еб тўғатишганига икки кун бўляпти. Ярим тунда комбат нурсиз кўзлари билан менга илтижоли қараб, «бир нарса топиб келмасанг, ҳаммамиз очимиздан ўламиз», — деди. Мен ер бағирлаб қанча сурилганимни билмайман, рўпарамдан ўлиб ётган ориқ от чиқиб қолди. Икки сонидан гўштларни шилиб олдим-да, жониворнинг арқони билан «ўлжа»ни орқамга боғлаб, изимга қайтдим. Ҳаво изғиринли совуқ бўлишига қарамасдан қора терга тушиб кетдим. Ҳатто аввалроқ яраланиб, кейин этиксиз қолган оёқларимга жон киргандек бўлди. Узун ҳандақдаги 25—30 чоғли аскар мени кўриб, хурсандликдан бир-бирларини елкаларига ура бошладилар. Хом гўшт бир зумда хомталаш бўлиб кетди. Тонг отгунча «кушхона»га яна бир марта бориб келишимга тўғри келди.

Кейинги кунлар ғанимлар бизнинг истеҳкомимизга тез-тез ҳамла қилиб туришди. Шу пайтга келиб уруш бизга ўқ-дориларни ниҳоятда тежаб-тергашни ўргатган ва шу сабабли буйруқ билан отган ўқимиз кўпинча хато кетмасди.

Сабрсизлик билан кутган тунимиз ҳам етиб келди. Кечаги «операция» яна такрорланди. Лекин қайтаётганимда осмонга отилган ракета нурида мени пайқаб қолишди шекилли, яна ўқ ёмғири ёғдирилди. Бир амаллаб ҳандаққа етиб олдим. Қуролдошларим атрофларида ўлим изғиб юрган бўлса-да, парво қилишмас, ҳаром ўлган отнинг гўштини паққос туширишарди. Олти кечаю кундуз мадад кучлари етиб келгунча шундай кун кечирдик. Қарши ҳужум олдидан турган-битгани сувдан иборат шўрвага қорнимизни «тўйдириб» олдик. Баъзан аскарнинг ўзини жаннатдагидек ҳис этиши учун шунинг ўзи кифоя қиларди. Чунки, биз фронтларда вақтинча вазият оғирлигини билар, қачон бўлмасин, шубҳасиз, ғалаба қозонишимизга ишонганимиз учун ҳам ҳеч нарсадан нолимасдик ҳатто қайнатилган қуруқ сув бизга илоҳий куч-қувват бағишларди...

МУРАККАБ ВАЗИФА

Уруш қаҳрамони Ғулом ака Каримовнинг Қибрайдаги жамбил, садарайхонлар анқиб турган ҳовлисидаги каровотда гурунглашардик. Ниҳоят, у менга сирли туюлган қутини очиб, куз ялпоғидек сарғайиб кетган газеталарни узатди.

«Мен тўғримда ёзилганлари... Бироқ баъзи мухбирлар душман аэродромига уюштирилган ҳужумда қатнашганлигим учун қаҳрамонлик юлдузини олган, дейишади. Аслида бу унвон менга 305,0 тепалиги учун берилган».

У юракни ларзага соладиган таассуротларини гапириб бера бошлади. Мен ўша воқеаларни кўз олдимга келтириб, гўё у билан ёнма-ён гоҳ пулемётдан, гоҳ автоматдан ўт очардим, жангчиларни ҳужумга бошлардим. Ўт, сув кечардим. Ғанимларни асирга олардим. Ярадор бўлиб, госпиталда ётар ва соғайиб яна беомон жангга кирардим. Шу тобда мен гўё уруш пайтидаги Ғулом Каримовга айланиб қолгандим. У фикрларини жамлаш учун бир оз тин олганда мен ҳам урушдан қайтгандай бўлардим ва тинчлик бермаётган таассуротларимдан, уруш даҳшатидан оппоқ қоғоз қора тортиб борарди.

44-йилнинг кузида у 1-Украина фронти 132-ўқчи полкининг взводини қабул қилиб олди. Бунгача гвардиячи полк Киев, Винница, Могилев, Камено-Подольск сингари шаҳарларни душмандан тозалашда сабот билан жанг қилганди. Бу воқеа ҳамма энтикиб кутган — Буюк Ғалабага бир неча ой қолганда Карпат тоғларида содир бўлган эди. Фашистлар қўлидаги 305,0 номерли тепалик ҳарбий стратегик жиҳатдан ўта муҳим ҳисобланиши бежиз эмасди. Чунки тепаликдан туриб Пашкани шаҳрини уловчи асосий магистрал йўлни ҳимоя қилиш мумкин эди. Тепаликни эгаллаш эса, ана шу муҳим йўлни қўлга киритиш, деган гап эди. Бундай вазият қурол-аслаҳа ортилган машиналарни, ҳарбий техника ва пиёда аскарларни олдинги маррага йўллаш имконини туғдирган бўларди.

Қўмондонлик ана шу тепаликни душмандан тортиб олишни лейтенант Каримов хизмат қилаётган ротага топширди. Фашистлар бетонлаштирилган 35 та дот билан тепаликка канадек ёпишиб олгандилар. Кучли отишмалар пайтида рота командири ҳалок бўлди. Батальон командири Каримовга ротани қабул қилиб олиб, ҳужум бошлашни буюрди. У пухта ўйлаб қўйган режасини шундай тезкорлик билан амалга оширдики, ўз кучларига ишониб бағишлаган, бироқ бугунги ғалабадан кўзлари чақноқ Каримов йигитларини ҳали олдинда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жанглар кутарди...

МУДОФААГА МАҲКУМЛАР

— Буйруқ бажарилди, Павловка қишлоғига биронта душман киритилмади! — батальон командири Исоқ Қаршиев 117-ўқчи дивизия комиссарига шундай деди-ю, ҳушидан кетди.

Операциядан кейин ўзига келгач, табиийки жанг воқеалари бутун вужудини қамраб олганди... Ҳарбий билим юртидан лейтенантлик унвони билан чиққач, взводга, кейинроқ разведкачилар отрядига командирлик қилди. Смоленск областининг Дубровка ва Жуковка қишлоқларини фашистлардан ҳимоя этди. 41-йилнинг 23 октябрида Москва жанубий дарвозаси ҳисобланган Тула осмонида босқинчилар самолётлари пайдо бўлди. Шаҳар мудофаа қўмитаси раиси В. Жаворонков жангларда ўзини кўрсатган, куни-кеча 2-ўқчи батальон командири этиб тайинланган Қаршиевни чақиртириб, Рогожинский қишлоғига душманни киритмасликни буюрган эди. Бу мушкул масалага нуқта қўйиш учун ўн кун вақт керак бўлди. Гитлерчилар 500 аскаридан ва ўнлаб қурол-яроғидан айрилди.

Мардонавор шаҳарга ўз пайтида Врангель тумшуғини суқолмаган эди, Гитлернинг арзандаси Гудерианнинг ҳам шу ерда бурни қонади...

Дивизия штабида бўлган кенгашда «Павловка қишлоғини Қаршиев олиши керак, у бунинг уддасидан чиқади» деган қарорга келинди. Унга бу операция билан шахсан Г. К. Жуков қизиқаётганини ҳам уқтиришди.

Комбат уч киши бир қайиқда Угра дарёсининг нариги қирғоғига ўтиб олишини мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблади ва бунинг учун ўнлаб қўлбола қайиқлар ясалди. Кечувни хатарсиз ўтказиш мақсадида орқадан душман томонга замбараклардан бирваракай тўп отиб туриладиган бўлди. Шиддатли жанг бошланди. Фашистлар қуюқ ўрмонзор ичидаги дотларида мустаҳкам мудофаада туришарди. Дўлдай отишмалар пайтида полк командири П. Лаптев, комиссар И. Богомолов ҳалок бўлди. Майор И. Қаршиевга вақтинча полкка командирлик қилиш топширилди. Номи ҳатто область харитасида қайд этилмаган Павловкага тонналаб бомбалар, ўқлар ёғиларди.

— Қарши томон узоққа отадиган тўпларни ишга солди, — деди у ҳарбий кенгашда. — Биз зудлик билан илгарилаб, рўпарадан туриб, фрицларнинг тумшуғига зарба беришимиз керак!

Бундай тактикани кутмаган душман сафлари қўққисдан тушириган «мушт»дан пароканда бўла бошлади. Ҳавода «Миссершмидт» пайдо бўлиб, бомба ўрнига таслим талаб қилинган варақалар ташлаб ўтди. Рупор орқали мурожаатномалардан бири Қаршиевга қаратилган эди. «Сен ўзбек бўла туриб, рус ери учун жанг қиляпсан. Барибир, улар сенинг қадрингга етишмайди. Биз томонга ўт. Ихтиёрингга дивизияни берамиз. Бошқалар сингари роҳат-фароғатда яшайсан». Бунга полк ҳужум билан жавоб берди. Қутурган фашистлар танк ва самолётларни ишга солдилар. Уларга замбараклар жўр бўлди. Тўхтовсиз отишмалар натижасида стволлари чўғ бўлиб кетган қурол-яроғлар баъзан отилмай қоларди. Қишлоқ олинганидан кейин мудофаага маҳкумлик тўрт ой давом этди. Павловкага душманни киритмасликнинг яна муҳим стратегик томони бор эди: яъни бундай шароитда армиямизнинг дарёдан кечиб ўтиши таъминланган ва бу муваффақият катта операцияларга туртки бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Хуллас, Қаршиев жанговар буйруқнинг ҳар бир бандини тўла-тўкис бажарганди. Воқеаларнинг бундан кейинги ривожини қанча уринмасин у эслай олмади....

Самарқандлик уруш ногирони, подполковник И. Қаршиев ҳақида Москва газеталарида икки марта очерк ёзилди. Литва шоири В. Ватис комбат ҳақида шеър битди. Қатор орден ва медаллар соҳиби — Қаршиевга ўхшаш марду майдонларимиз жасорати ҳақида ҳали қўшиқлар тўқилиши, китоблар ёзилишига шубҳа йўқ. Чунки улар халқимиз қалби тўридан жой олиб келишган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажак.

Абдунаби МАННОПОВ.

Спорт

НАВБАТ — ҲАЛҚАРО МУСОБАҚАГА

Тошкент. Енгил атлетика бўйича ўсмирлар ўртасида республика чемпионлиги ва кубоги учун мусобақалар бўлиб ўтди.

Ёпиқ майдонда ўтказилган анъанавий мусобақада лаёқатли ёшлар камол топаётгани кўзга ташланди. Мусобақада 200 га яқин спортчи иштирок этди. Натижалар чакки бўлмади. Хусусан, 60 метрга югурган бухоролик Шавкат Шарипов 6,5 секундли натижа билан маррада биринчи бўлди. Тошкентлик Юрий Арестов эса 60 ва 100 метрга тўсиқлар оша югуришда ғалаба завқини сурди. Шунингдек, Навоий шаҳридан А. Шамсиев 800 ва 1500 метрли масофада зафар қучган бўлса, андижонлик Ҳ. Раимов 2000 ва 3000 метрга тўсиқлар оша югуришда маҳорат кўрсатди. Қўқонлик О. Воронина уч ҳатлаб сакрашда 12 метр 35 сантиметрли натижа кўрсатди. Умум ҳисобда «Тошкент-I» жамоаси спортчилари ғалаба қозонишди. Мусобақа натижаларига кўра таркиб топтирилган республика терма жамоаси энди Тошкентда бошланадиган Марказий Осиё республикалари енгил атлетикачиларининг халқаро мусобақасида иштирок этади.

Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир!

ЖАҲОЛАТ ҚУРБОНИ

Самад пахтазорга бораётганини ўзи ҳам сезмасди. Қуёш айни тиккага кўтарилган пайтда у хотини Фароғатни теримдан тўхтатди.

— Фароғат,— деди у титроқ овозда, — мени муллага олиб борсанг, бошим оғрияпти.

Эндигина 32 баҳорни қаршилаган, қўли рўзғор юмуши, дала ишидан қаварган, меҳнатдан жуссаси тобора кичиклашиб бораётган бу аёл шу куни ҳаётига нуқта қўйилишини, қуёши сўнишини, бир ёстиққа бош қўйган ўз эри томонидан раҳмсизларча қийнаб ўлдирилишини хаёлига ҳам келтирмаганди. У муллага ўқитсам, яхши бўлиб кетар деган ўй билан эрининг изидан юрди.

Уйга келиб кийимларини алмаштирди. Дарвозахонадаги ўринга шолча ёзиб, эри, болалари ёнига дастурхон келтирди. У Самаднинг миясида нима чарх ураётганлигини билмасди. Газ плитасидан чойнакни олиб энди қаддини ростлаганини билади, Самад унинг кўксига зарб билан пичоқ санчди. Пичоқ ўнг кўкрагида синиб қолди. У жон талвасасида инграб, қўшни ҳовлига қочди.

Бу ҳолни кўриб турган қизи Нозикой, ўғли Соҳибжонлар онаси кетидан чинқираб чопишди. Она тобора ҳолсизланар, фақат ёрдам беринглар, дея оларди, холос. Ўлим билан олишаётган аёл эри томонидан бошқа пичоқ билан яна бир неча бор тиғ санчилганини сезмади ҳам.

11 йил эрининг иссиқ-совуғидан хабар олган, хизматини жойига қўйган, оқ ювиб, оқ тарагани учун ундан кутгани шу бўлдими? Ўша 1983 йилнинг 2 сентябрида Бухоро туманидаги Шергирон қишлоқ кенгашида никоҳдан ўтаётганида қисматида шу битилганмиди? Тасодифни қарангки, орадан ўн йил ўтиб яна сентябрь ойида гиёҳванд, рашкчи эри қўлида умри поёнига етди...

Жаҳолат қурбони бўлган Фароғат Ашуровани эри нега ўлдирди? Бу саволга жавоб энди на ҳожат? Хўш, у асли ўзи ким? 1962 йилда туғилган, муқаддам Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 88-моддаси «А» банди билан озодликдан маҳрум қилинган. Жазони ўтаб қайтса ҳам ундан хулоса чиқармаган. Ҳамиша хотинини таъқиб остига олиб юришга одатланган. Даладами, уйидами уни дўппослайверган. Безиган Фароғат бир марта онасиникига ҳам кетиб қолди. Ажралмоқчи бўлди. Аммо болаларичи? Уларнинг аҳволи не кечади? Эр бир куни сандиқдаги ҳамма нарсаларни тўплаб, хонага ўт қўймоқчи бўлди. Уни тўхтатишди. Фароғат уйига қайтди. Унинг кўнглига бошқа эркак сиғармиди? Икки бола билан кимга ҳам керак. Буни эса Самад тушунмасди, ҳатто кечалари хотинининг икки қўлидан ушлаб ётар, кўзи илиниши билан сапчиб ўрнидан турар, ҳовлини гир айланарди. Бу рашкми, ёки хотинини қаттиқ яхши кўришими, билиб бўлмасди. Уни фақат нашавандлик шу қўйга солганди.

Яқинда Бухоро вилояти судида ушбу жиноий иш кўриб чиқилди.

Суд ҳайъати ёш болаларининг кўзи ўнгида хотинини раҳмсизларча ўлдирган бу муртад эрга энг олий жазо — ўлим жазосини тайинлади...

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Тошкент Давлат университети қошидаги Амалий физика илмий - тадқиқот институти жамоаси институт директори, профессор М.Р.Бедиловга укаси **Шавкат Раҳматуллаевич БЕДИЛОВнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими - 33-76-04, 32-54-06.
Қабулхона -- 33-65-45, 32-55-15.

Реклама ва эълонлар бўлими тел: 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Жиззахда -- 3-31-86; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90;
Бухорода -- 3-54-87; Навоийда -- 3-74-76; Қаршида -- 3-25-79; Урганчда -- 6-51-35;
Гулистонда -- 2-26-22; Наманганда --6-43-43; Қумқўрғонда -- 5-26-24; Фарғонада -- 26-37-16.

· Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. · Газета офсет усулида А--2 форматида босилади.
· Ҳажми 2 босма табоқ. · Г -- 0051, 43324 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир А. МАННОПОВ, навбатчи С. САЛИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти -- 21.00. Топширилди -- 21.00.

1 2 3 4 5 6.